

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**

**МИЛЛИЙ ҒОЯ, МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ**

5141500 – Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими

**Хайитов Тоштемир Сафаралиевич**

**“Миллий мафкурада миллий ва умуминсоний  
қадриятларнинг уйғунлиги” мавзусидаги**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Термиз – 2014**

## **Мундарижа:**

### **Кириш.**

### **I боб. Миллий мафкура ва қадриятларнинг назарий методологик асослари**

1.1. Қадриятлар тушунчаси ва миллий умуминсоний қадриятлар тизими.

1.2. Мустақиллик йилларида миллий қадриятларнинг тикланиши.

### **II боб. Инсонпарвар, адолатли, демократик жамият қуришда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти.**

2.1. Фуқаролик жамиятини қуришда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни.

2.2. Талабаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш.

2.3. Мавзуга оид бир соатлик дарс ишланмаси.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Мавзуга оид таянч сўзлар.

Иловалар.

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Президент И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг **“Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар”**<sup>1</sup> номли фаслида бугунги кунда маънавиятимизга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонлар чуқур таҳлил қилинган. Президентимиз ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, **маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар** бу борадаги энг муҳим омиллар сифатида келтирилган.

Собиқ совет иттифоқи даврида Ислом дини, мусулмончилик ақидалари, миллий қадрият ва анъаналар бир чеккага суриб ташланди. Улар ҳақида гапириш у ёқда турсин, ўйлаш ва фикрлаш ҳам мумкин эмас эди. Иймон-этиқодимизга оид асарлар, миллий тарбия асосини ташкил қилувчи Қуръони Карим, Муҳаммад алайҳисалом ҳадислари, тасаввуф ва миллий, маърифий-ахлоқий илмлар акс этган китоблар, рисоалар териб олинди, ёқиб ташланди. Бу миллий тарбия ва тарбияшунослик соҳасидаги энг катта йўқотиш эди. Чунки, “фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб обрўли ўрин эгаллаш учун фидойилик билан курашиши мумкин”<sup>2</sup>.

Юртимиз истиқлолга эришган саодатли бугунги кунда, мамлакатимиз халқларининг анъана ва маросимлари ўзининг қадимий кўринишларини тиклаб, жамиятимиз тараққиётини тезлаштирадиган буюк кучга айланмокда, жамият ҳаётига шодлик, қувонч бағишлайдиган, уларда мустақиллик ва унинг меваларидан фахрланиш ҳиссини уйғотадиган анъана ва маросимлар

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., Маънавият, 2008, 35-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т., Шарқ, 1998, 9-бет.

кенг оммалашмоқда, ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда таъсирчан омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунинг учун ҳам ўтган йиллар мобайнида миллий ва умуминсоний қадриятларимиз, уларнинг ўзига хос жиҳатлари, маънавий-маърифий тадбирлар, уларнинг жамият аъзолари ҳаётидаги ўрни, тарғибот усуллари борасида кўпгина илмий-назарий ва амалий ишлар амалга оширилди, уларнинг методологик асослари яратилди. Гарчи маънавий-маърифий ишларга, унутилган, камситилган маънавиятимизни, миллий қадриятларимизни тиклашга ҳамда ёш авлоднинг миллий ғурурини юксалтиришга, уларни ватанпарварлик, юртпарварлик, байналминаллик руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирлар моҳиятини очиб бериш, уларни ташкил этиш методикасини ўргатишга оид талайгина ишлар амалга оширилган. Жондор Туленовнинг “Қадриятлар фалсафаси”, Аҳмад Яссавий “Ҳикматлар, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Бухорий. “Ал-адаб ал-муфрад”. (“Адаб дурдоналари”), Маврунов А. “Маънавий соғломлаштириш даври”, “Барҳаёт миллий қадриятлар”, Иномова М. “Оилада болаларнинг маънавий ахлоқий тарбияси”, Мусурмонова О. “Маънавий қадрият ва ёшлар тарбияси”, Қорабоев У. “Маданий тадбирлар”, Эргашев Қ. “Ёшларнинг маънавий тарбияси” ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бироқ, жамият ҳаётида юз бераётган айрим муаммолар бугунги кунда дарсдан ташқари маънавий – маърифий тадбирлар жараёнида ёшларнинг миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш асосида тарбиялаш борасидаги тадқиқотларнинг етарли эмаслигини кўрсатмоқда.

Ҳар бир халқнинг ўзи учун эъзозли, қимматли бўлган маънавий бойликлари бўлади. Булар асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган, ҳозирги кунда ҳам ўзининг аҳамияти ва қадрини йўқотмаган, шу халқнинг ифтихор манбаига айланган дурдоналардир. Масалан, қирғиз халқи «Манас» достони билан, мисрликлар қадимий пирамидалар, французлар Париждаги

Лувр саройи, ўзбеклар Самарқанду Бухоро ва Хива билан ҳақи равишда фахрланадилар.

Миллат ва элатларнинг ўзига хос тарихий мероси, санъати ва адабиёти билан бир қаторда уларнинг урф-одат ва маросимлари, маданий муносабат ва ахлоқий фазилатлари ҳам маънавий қадриятлар тизимига киради. Булар халқнинг ўзига хослигини сақлаб қолишда, ёш авлодни тарбиялашда, шахснинг ижтимоийлашувида муҳим роль ўйнайди. Талабаларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш бугунги кунда энг долзарб муаммолардан биридир.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш, улардан таълим-тарбия тизимида фойдаланиш хусусида гап борар экан, республикаимиз олимлари томонидан амалга оширилган ишларни қайд этиб ўтиш лозим деб ўйлайман.

Ёшларни умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида маънавий тарбиялаш бугунги кунда педагогика фани олдида турган долзарб масалалардандир. Шу маънода О.Мусурмонова<sup>1</sup>нинг тадқиқоти катта эътиборга молик. Олима юқори синф талабалари маънавий маданиятини шакллантириш борасидаги қатор педагогик муаммоларни ечишга ҳаракат қилади. "Бизнинг назаримизда, - деб таъкидлайди О.Мусурмонова, - шахснинг ички маънавий дунёси маънавий эҳтиёж, маънавий қизиқиш, маънавий фаолият ва маънавий қадрият каби асосий белгилар тизимидан иборатдир.

Шахс маънавиятини тарбиялаш ва ривожлантириш, энг аввало, оиладан бошланади ва мактабда давом эттирилади. Худди шу ердан эътиборан мактаб билан оила ўртасида узвий алоқа ўрнатилади. Оиланинг ўрта махсус ва олий ўқув юрти, маҳалла ва меҳнат жамоаси билан ҳамкорлиги таркиб топиб

---

<sup>1</sup> Мусурмонова О. "Талабаларнинг маънавий маданиятини шакллантириш". - Фан, 1993; Мусурмонова О. "Юқори синф талабалари маънавий маданиятини шакллантиришнинг шакл ва методлари". Фан, 1995; Мусурмонова О. "Маънавий қадрият ва ёшлар тарбияси". -Ўқитувчи. 1996.

боради. Дарҳақиқат, шахс шаклланишида оиланинг роли катта. Чунки, маънавият, Президентимиз И. А. Каримов айтганларидек, "Тарбия инсонга она сути, ота намунаси, аجدодлар ўғити билан сингади"<sup>1</sup>. Олима М. Иномова<sup>2</sup> ҳам "Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси" рисоласида оилавий тарбия муаммоси, унда болаларни маънавий тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланиш масалалари хусусида фикр юритади. Унинг таъкидлашича, "Оилада энг яхши ва олижаноб анъаналар, миллий қадриятлар руҳида тарбияланган бола ўзини англашга, ўзлигини кўрсатиб, ўз шахсини намоён этишга ҳаракат қилади".

Ана шундай шахсларни тарбиялаш нафақат оиланинг балки, жамиятнинг бугунги асосий вазифаси бўлиб қолмоғи лозим. Бу вазифани бажаришда миллий қадриятлар, урф-одатлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Мамлакатимизда яратилган бу бетакрор анъана ва маросимлар, миллий қадриятлар, урф-одатлар олимлар томонидан кўп йиллардан бери мутазам ўрганилиб келинади. Бу борада айниқса, Ҳасанбоев Ж, Туропова М, Ҳасанбоева О., Маврунов А. ва Қорабоев У. каби олимларнинг ишлари ва мақолаларини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир<sup>3</sup>.

Мазкур тадқиқотларнинг ҳозиргача ҳар томонлама ва чуқур хронологияси яратилиб, уларда халқ педагогикасининг таълим оловчи шахсга тарбиявий таъсир кўрсатиш муаммосини амалга оширишда эришилган ютуқлари ёритилган. Бошқа тадқиқотлар орасида М. Очилов, А. К. Мунавваров, С. Ахмедов, С. Очилов, О. Мусурмонова, М. Иномова, С. Нишонова томонидан докторлик ишларини алоҳида кайд этиш жоиз<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т., Маънавият, 2008, 18-бет.

<sup>2</sup> Иномова М. Оилада болаларнинг маънавий ахлоқий тарбияси. - Т. 1999.

<sup>3</sup> Ҳасанбоев Ж, Туропова М, Ҳасанбоева О. Маънавий-ахлоқий тарбия асослари. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 2000.-111 б. ; Маврунов А. "Маънавий соғломлаштириш даври", 1994 йил; Қорабоев У. "Маданий тадбирлар". - Т. 2003 йил.

<sup>4</sup> Иномова М. "Оилада болаларнинг маънавий ахлоқий тарбияси". Т. 1999; Мусурмонова О. "Талабаларнинг маънавий маданиятини шакллантириш". - Фан, 1993 йил; Мусурмонова О. "Юқори синф талабалари маънавий маданиятини шакллантиришнинг шакл ва методлари". Фан, 1995; Мусурмонова О. "Маънавий қадрият ва ёшлар тарбияси". - Ўқитувчи. 1996 йил; Зиёмуҳаммедов Б. ва бошқалар. "Маънавият асослари". - Т. 2003 йил; Қорабоев У. "Маданий тадбирлар". - Т. 2003 йил; Эргашев Қ. "Ёшларнинг маънавий

**Битирув малакавий ишининг асосий мақсади** талабаларга миллий кадриятлар ва ижтимоий тараққиёт ҳамда миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш масаласини ёритишдан иборат.

**Битирув малакавий ишининг асосий вазифалари** қуйидагилардан иборат:

- Миллий кадриятлар ва уларнинг асрлар давомида сайқалланишини ёритиш;
- Миллий ва умуминсоний кадриятларнинг ҳалқимиз томонидан авайлаб-асраб келинишини ёритиш;
- Миллий кадриятларга шўролар даврида муносабатни ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- Мустақиллик йилларида миллий ва умуминсоний кадриятларнинг тикланиши масаласини ёритиш;
- Миллий ва умуминсоний кадриятларнинг ёшлар тарбиясидаги ролини ёритиш;
- Дарс жараёнида миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида талабаларни тарбиялаш;
- Дарсдан ташқари тадбирларда талабаларни миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш муаммоси;

“Маънавият асослари дарсларида талабаларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш” мавзусидаги бир соатлик семинар машғулоти бўйича дарс ишланмаси ёзишдан иборат.

---

тарбияси", Маънавият, 1998; Йўлдошева С. "Барҳаёт анъаналар", Т. 1999 йил; Бегматов А. "Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. Шарҳ., 2000.-96 б.; Эркаев А. "Маънавият миллат нишони". Маънавият. 1999; Жавлиев Т. "Анъаналар - ҳаёт сабоғи" , Т. "Ўзбекистон" , 1992 йил.

**Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги.** Ушбу Битирув-малакавий ишини ёритиш жараёнида Президент Ислом Каримовнинг миллий ва умуминсоний қадриятларга доир масалаларига эътибор қаратдик.

**Битирув малакавий ишининг назарий асослари.** Тадқиқотнинг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида илгари сурилган маънавий ахлоқий баркамол авлодни тарбиялаш ғоялари, Шарқ мутафаккирларининг маънавий-ахлоқий баркамол инсонни тарбиялашга доир фалсафий-ахлоқий қарашлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", миллий истиқлол ғояси ва мафкураси, Олий ва ўрта махсус ва халқ таълими Вазирликларининг меъёрий ҳужжатлари, илмий тадқиқотлар ташкил қилади.

**Битирув малакавий ишининг тузилиши.** Битирув малакавий иши кириш, иккита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар, мавзуга оид таянч сўзлар ва иловалар рўйхатидан иборат.

**Битирув малакавий ишининг объекти.** Талабаларни миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш асосида табиълашга қаратилган дарсдан ташқари маънавий-маърифий ишлар жараёни.

**Битирув малакавий ишининг предмети.** Талабаларни дарсдан ташқари маънавий-маърифий тадбирлар орқали миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштирган ҳолда тарбиялаш, улар онгида халқимизнинг анъана ва маросимлари, удумлари ҳамда маънавий меросимиз орқали эзгу хислат ва фазилатларни камол топтиришга илмий-педагогик ёндашиш.

**Битирув малакавий иши методлари.** Таққослаш, индукция, дедукция, қиёсий таҳлил ва тарихий материалларни илмий жиҳатдан ўрганишдан иборат.

## **I боб. Миллий мафкура ва қадриятларнинг назарий методологик асослари**

### **1.1. Қадриятлар тушунчаси ва миллий умуминсоний қадриятлар тизими.**

Миллий қадриятлар халқнинг кундалик ҳаёти ва турмуш тарзида ўзига хос мезон вазифасини ўтайди. Ушбу қадриятлар воситасида турли ҳодиса ва ҳолатларга, янги пайдо бўлаётган фаолият турлари ва расм-русмларга баҳо берилади. Ёш авлоднинг ҳаётий мўлжаллари, «замон қаҳрамони» ҳақидаги тасаввурлари ҳам маънавий қадриятлардан келиб чиқиб шаклланади.

Миллий ғояни объектив англашда қадриятлар ва маънавий оламини билиш ва уни амалий ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир қадриятнинг моҳияти ва аҳамияти табиат, жамият ва руҳий олам ҳодисаларини билиш, илмий умумлаштириш, ижтимоий ва маънавий тараққиётга таъсир этиш имкониятлари асосида белгиланади<sup>1</sup>.

Қадрият турлари:

1. Инсон яшаб турган моддий муҳит билан боғлиқ бўлган қадриятлар.
2. Анъаналар, урф-одатлар ва маросимларда намоён бўладиган ахлоқий қадриятлар.
3. Инсоннинг ақл-идроки ва амалий фаолияти заминида шакланган меҳнат малакалари ва кўникмалари, билим ва тажрибалари, қобилият ва истеъдодларида намоён бўладиган қадриятлар.
4. Одамлар ўртасидаги жамоатчилик, ҳамкорлик, ҳайрихоҳлик, ҳамжиҳатликка асосланган муносабатларда намоён бўладиган қадриятлар.
5. Кишиларнинг ёши, касби, жинси ва ирқий хусусиятлари билан боғлиқ бўлган қадриятлар.

Қадриятларни хилма-хил шакл ва турларга ажратиб ўрганиш мумкин:

---

<sup>1</sup> Назаров Қ., Очилдиев А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар. – Т.: «Янги аср авлоди», 2002, (177- 178 – бетлар).

1. Умуминсоний қадриятлар.
2. Минтақавий қадриятлар.
3. Миллий қадриятлар.
4. Диний қадриятлар<sup>1</sup>.

Халқимизда қадриятларга оид турли хил мақолалар келтириш мумкин: Қарияларни кадрласанг, кадринг ошади, Қари билганни пари билмас ва бошқалар.

Миллий маънавий қадриятлар - ижобий ахлоқий сифатларни такомиллаштириш, давлат ва миллат ривожига тўғаноқ бўладиган салбий иллатларни бартараф этиш омилидир. Миллий ғоя ва маънавий қадриятлар орасида узвий алоқадорлик, ўзаро таъсир мавжуд бўлиб, бу қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

1. Миллий қадриятлар миллий ғоя учун маънавий негиз, манба бўлиб хизмат қилади.

2. Миллий ғоя қадриятларни бойитиш, янада юксак босқичга кўтариш, одамлар онги ва қалбига миллий қадриятларни сингдириш омили бўлиб ҳисобланади.

3. Миллий ғоя халқнинг туб манфаатлари нуқтаи назаридан мавжуд маънавий қадриятларга баҳо беради, ижобий жиҳатларни ривожлантириш, салбий ҳолатларни инкор этишнинг маънавий мезони бўлиб майдонга чиқади<sup>2</sup>.

Маънавият, қадриятлар ва миллий ғоя - жамият ҳаётининг жуда мураккаб ва серқирра, ўзаро узвий алоқадорликда бўлган соҳаларидир. Шахс ҳаётида, умуман инсоният тараққиётида, миллат ва давлат тараққиётининг маълум даврларида маънавият ва миллий ғоя энг долзарб, ҳал қилувчи омил бўлиб майдоган чиқади.

Демак, қадриятларнинг хилма-хил шакллари мавжуд: моддий ва маънавий, миллий, минтақавий, умумбашарий қадриятлар жамият ҳаётининг

---

<sup>1</sup> Жондор Туленов. Қадриятлар фалсафаси. – Т., Фан, 1996, 43-бет.

<sup>2</sup> Эргашев И. ва бошқ. Миллий истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. -Т.: Академия, 2005, 195-200-бетлар.

соҳалари бўйича: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий, кадриятлар, ижтимоий онг шаклларига мос келадиган ахлоқий, диний, ҳуқуқий ва бошқа кадриятлар.

Моддий кадриятлар ҳақиқий кадриятларнинг намоён бўлиш воситаларидир (масалан, ҳаётда керак бўладиган турли буюмлар). Инсоният тарихи унга хизмат қиладиган, ўзи яратган, суянадиган ва қўллаб-қувватлайдиган кадриятлар дунёсининг кенгайиши, бойиш ва такомиллашиш тарихидир. Инсоният ўзининг кундалик меҳнати билан яратаётган сунъий нарсалар дунёсида яшайди. Биз яратаётган ушбу моддий ва маънавий бойликлар оламининг гултожи, сараси кадриятлардир. Миллий ғояга асосланган кадриятлар ва кадрият мезонлари кишиларга, уларнинг хулқ-атворини тартибга солиш ва тўғри йўналтиришга хизмат қилади. Бундай ўзига хос бошқариш-нинг самарадорлиги кишиларимизнинг миллий ғоя билан боғлиқ кадриятлар оламини билишга боғлиқ.

Ҳозирги замонда илғор давлатлар ҳаётининг демократик тамойиллари ҳам инсон қадрини нечоғли юксакликка кўтариши билан баҳоланади. Мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар, ислохотларнинг моҳияти ҳам ана шу тамойилдан келиб чиқади. Бу тамойилни амалга оширишда миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлигига асосланган янгича дунёқараш, соғлом тафаккурнинг шаклланиши катта аҳамиятга эга.

Одамлар онгида миллий ғояга асосланган мустақиллик, маънавий ва ахлоқий кадриятларни ривожлантириш, халқнинг миллий руҳини уйғотиш ва тиклаш жамият барқарор ривожланишининг муҳим шarti ва кафолатидир. Президент Ислам Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида миллий ғоя билан боғлиқ бўлган маънавий кадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши хусусида батафсил маълумотлар берган.

Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ йиллар давомида тоталитар тузумга қарамай ўзбек халқининг маданий қадриятлари, анъаналари сақланиб қолинди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ аجدодларимиз томонидан кўп асрлар давомида яратилган бебаҳо маънавий, маданий меросимиз давлат сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб келмоқда.

Маънавий қадриятларнинг тикланиши, миллий ўзликни англаши мураккаб шароитда - эски империя тузуми барбод бўлган ва янги ижтимоий муносабатлар қарор топаётган бир шароитда юз берди.

Ўзбек халқи Руҳининг тикланиши, миллат маънавий-ахлоқий идеалларининг шаклланиши чуқур миллийлик билан умуминсонийлик чамбарчас боғлиқ бўлган ҳодисадир. Ўзбекистонда яшаётган халқлар, ўзига хосликни йўқотмаган ҳолда, умумий руҳиятга, ҳуқ-атвор фалсафасига эга бўлмоқдалар. Бу эса мустақиллик йилларида миллатлараро тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий-руҳий негизни вужудга келтирди.

Маънавий қадриятларнинг тикланиши уларнинг ҳозирги дунё ва ахборот цивилизацияси қадриятларига мослашишини ҳам англатади<sup>1</sup>.

Биз ҳозирги цивилизация ўзида ифода этадиган ижобий қадриятлар жумласига ҳуқуқий демократик қадриятларни киритамиз. Бу - инсон ҳуқуқларига риоя этиш, тадбиркорлик эркинлиги. Сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ва ҳоказолардир.

Дастлабки пайтларда бир асрдан зиёд тоталитар тузумга қарамай миллий ғояга асосланган маънавият «Инкорни - инкор» сифатида кечди. Аввалги тузум қадриятларини инкор этишнинг ўзи сиёсий ва маданий экстремизм хавфини туғдирарди. Шунингдек, орқага бетартиб қайтиш

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., Ўзбекистон, 1997, 147-бет.

жамиятни янгилаш заруриятини инкор этишга олиб келиши мумкин. Ана шу инкор этиш жараёнида экстремистик руҳдаги муҳолифат вужудга келади. У маънавиятга қарши муҳолифат бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида халқнинг маданий қадриятлари, маданий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавий куч бўлганлигига алоҳида эътибор берди.

Бунда 1) собиқ мафкура тазйиқини; 2) маънавий ва маданий меросни тиклаш Ўзбекистон давлати сиёсатида муҳим вазифа сифатида белгилаб олинганлигини чуқур ўрганиш, ёшларни унга эътиборини жалб этиш муҳим.

Жамиятда маънавий қадриятларни тиклашга миллий ғоя жараёни сифатида қарашда қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш лозим:

1. Халқимиз истиқбол туфайли сиёсий мустақилликни қўлга киритганлиги.

2. Ўз тақдирини ўзи белгилашнинг чинакам эгаси бўлганлиги.

3. Ўзининг маънавий-тарихий илдизларини ўрганиш имконияти юзага келганлиги, аммо унинг жуда мураккаб жараёнларда амалга оширилаётганлиги.

4. Мустақилликнинг дастлабки йилларида «сиёсий, маданий экстремизм хавфи» туғилиши мумкинлигининг ҳисобга олинганлиги республикада мустақилликни сақлаб қолишда, барқарорликни таъминлашдаги аҳамиятини чуқурроқ, атрофлича, аниқ мисоллар ёрдамида ёритиш ўзининг амалий аҳамиятига эга.

1994 йил 23 апрелда Ўзбекистон Президентининг «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 1996 йил 9 сентябрда эса «Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази фаолиятини такомиллаштириш ва унинг самарадор-

лигини ошириш тўғрисида»ги Фармони ва бошқа манбаларда қуйидаги қадриятлар ҳақида гапирилади:

1. Ватан - энг олий макон, у меникидир.
2. Энг олий қадрият - инсон.
3. Мулкнинг энг олий шакли - интеллектуал мулк ва инсон фаолиятининг энг олий тури - интеллектуал меҳнат.
4. Вақт энг олий бойлик.
5. Умуминсоний қадриятлар.
6. Моддий қадриятлар.
7. Миллий қадриятлар.
8. Табиий қадриятлар.
9. Иқтисодий қадриятлар.
10. Ижтимоий - сиёсий қадриятлар.
11. Маънавий қадриятлар.
12. Ахлоқий қадриятлар.
13. Диний қадриятлар.
14. Оилавий қадриятлар.
15. Демократик қадриятлар ва ҳ.к.

Президент Ислам Каримов ўтган 15 йил мобайнида ўзбек халқининг маънавий-ахлоқий негизларини асослаб берди:

1. Умуминсоний қадриятларга содиқлик.
2. Халқимиз маънавий меросини мустаҳкамлаш, ривожлантириш.
3. Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши<sup>1</sup>.
4. Ватанпарварлик.

Миллий маънавий мерос, қадриятларнинг таркиби. Миллий маънавий мерос ва қадриятлар тушунчаси кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг таркиби қуйидагилардан ташкил топган:

- 1) Тарихий мерос ва тарихий хотира.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996, 76-бет.

- 2) Маданий ёдгорликлар, осори-атикалар, қадимий қўлёзмалар.
- 3) Илм-фан ютуқлари ва фалсафий тафаккур дурдоналари.
- 4) Санъат ва миллий адабиёт.
- 5) Ахлоқий фазилатлар.
- 6) Диний қадриятлар.
- 7) Урф-одат, анъана ва маросимлар.
- 8) Маърифат, таълим-тарбия ва ҳоказолар.

Миллий маънавий қадриятларнинг ана шу ҳар бир кўриниши муҳим аҳамиятга эга. Буларнинг ҳар бирини мисоллар тариқасида чуқур тушунтириб бериш мумкин.

Демак, миллий маънавий қадриятларнинг ҳар бир таркибий қисми халқнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва келажагини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

И.А.Каримов Миллий истиқлол мафкураси концепциясининг асосий тамойилларига бағишлаб илмий ва ижодий жамоатчилик вакиллари билан 2000 йил 6 апрелдаги учрушувда сўзлади. Нутқ жамиятимиз ҳаётидаги энг муҳим масалалардан бири миллий мафкура хусусида бўлди. Бугунги кунда нафақат иқтисодий ҳаётимизда, балки, онгу тафаккуримизда ҳам янгиланиш ўзгариш жараёни кечмоқда. Пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдаги интилишларимизда биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи, илмий асос – бу миллий ғоя, миллий мафкурадир. Фикр бор жойда баҳс бўлади, баҳс бор жойда ҳақиқат юзага келади. Миллий ғоя, миллий мафкура маъно-моҳияти, биз учун жуда зарур ва кераклигини қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин:

1. Ўз келажагини қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши зарур. Давлат тизими, уни бошқаришдаги сиёсат аниқ мафкура асосига қурилмоғи лозим. Олдин ғоя пайдо бўлади. Одамларимизни олижаноб мақсад атрофида бирлаштиришимиз зарур. Онгни,

тафаккурни ўзгартирмасдан туриб, биз кўзлаган олий мақсадга эришиб бўлмайди.

2. Биз тоталитар тузумдан эркин ва озод тузумга ўтиш шароитида яшамокдамиз. Шу даврда мақсадимиз аниқ бўлиши керак. Мақсадга пухта ишланган мафкура асосида етишиш мумкин.

3. Ёшларимизни қандай ғоя негизида тарбиялаймиз, қандай мафкура ва тафаккур улар учун қурол бўлиб хизмат қилади?

4. Ҳеч қандай ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз керак. Энг таъсирчан кураш аввало, мафкура майдонларида олиб борилмоқда. Лекин ҳали суяги қотмаган ёшларимиз сохта ғоялар орқасидан эргашиб кетмоқда.

5. Миллий ғоя миллатнинг ўзлигини англашга, қадриятларни тиклашга хизмат қилмоғи керак

6. Миллий мафкурамиз: а) миллий қадриятларга ва б) умуминсоний қадриятларга таяниши зарур.

7. Миллий мафкура ҳеч қандай шаклда давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги керак.

“Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, олишиш мумкин.” Озод бўлсанг озод бўл, эркин бўлсанг эркин бўл, мустақил бўлсанг мустақил бўл. Ўзбек миллати оққўнгил миллат. Миллий мафкура ўзликни англашга хизмат қилади. Ўзликни англаш ўз тарихини билишдир. Тарихини билиш насл-насабини англашдир. Миллий ғоя бирлаштирувчи куч, қанот бўлиши шарт.

Халқимизнинг келажаги, энг аввало, унинг ўзига, маънавий қудратига ва миллий онининг ижодий кучига боғлиқдир. Моддий фаровонликка табиий интилиш миллатнинг маънавий ва ақлий ўсиш эҳтиёжига ғов бўлмаслиги

лозим. Маънавийлик ва маърифийлик халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида доимо унинг энг кучли ўзига хос хусусияти бўлиб келди.

## **1.2. Мустақиллик йилларида миллий қадриятларнинг тикланиши.**

**Миллий қадриятлар** - миллат учун муҳим аҳамият касб этадиган, этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ бўлган қадриятлар шаклидир. Дунёда ўзига хос қадриятлари бўлмаган миллат йўқ. Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти ҳамда маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришиши туфайли миллий қадриятларга эътибор кучайди. Зеро, миллий қадриятлар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган маънавий асослардан бири. Халқимизнинг асрлардан-асрларга мерос тарзида келаётган миллий қадриятлари узок тарихий жараёнда шаклланган. Улар она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, ҳаё, андиша каби хусусиятларнинг устуворлиги, бошқа халқларникига ўхшамайдиган урф-одатлар, расм-русумлар, маросимлар ва анъаналар билан тавсифланади.

Маълумки, қадриятлар муайян шароитларда шаклланади. Шу сабабли улар маҳаллий, миллий, минтақавий шакллар ва умуминсоний шакл мазмунда мавжуд бўлади. Маҳаллий қадриятларнинг энг етуқлари ва миллий манфаатларга, мослари аста-секин сараланиб, умуммиллий даражага кўтарилади. Миллий муҳит қадриятларни яратиш ва саралашнинг асосий манбаидир: у миллий қадриятларнинг энг яхшиларини вояга етказиб, жаҳон миқёсига олиб чиқади.

Миллий қадриятлар - миллий ғоянинг маънавий негизи. Миллий ғоя - миллат тафаккурининг маҳсули, ижтимоий онгнинг юқори даражадаги шакли, халқ фалсафасининг ўзагидир. Турли халқларнинг миллий ғояси уларнинг мақсад-муддаоларини, орзу-умиди ва ишонч-эътиқодини ифодалайди, айти пайтда, муайян тамойил ва негизларга асосланиб ривожланади. Тарихдан маълумки, ўткинчи манфаат ва ғализ ниятларга

таянган, ўзга халқлар ва юртларга тажовуз қилишни, босқинчиликни кўзлаган ёвуз ғоя ва мафкуралар миллат ва давлатларни таназзулга дучор этган. Фақат эзгу ғоялар ва юксак қадриятлар негизида шаклланган миллий ғоялар халқларни тараққиётга элтган.

Ўзбекистон халқининг миллий истиқлол ғояси умуминсоний ва миллий қадриятларга таянади. Буларнинг бири иккинчисини инкор этмайди.

***Миллий қадриятлар қуйидагилардан иборат:***

1. Халқимиз ҳаётида жамоа бўлиб яшаш руҳининг устуворлиги.
2. Халқ онгида устувор бўлган фикр - дўст ва яхши қўшни бўлиб, тинчлик ва тотувликда, яқиндан ҳамкорликда яшаш.
3. Оила, маҳалла, эл - юрт, Ватан тушунчаларини муқаддас билиш.
4. Ота-она, маҳалла жамоаларига, раҳбарларга юксак ҳурмат - эътибор, бутун жамиятни ҳурмат қилиш.
5. Миллатнинг ўлмас руҳи, миллат маънавиятининг ҳаётбахш манбаи сифатида она тилига муҳаббат, уни севиш.
6. Катталарга - ҳурмат-эҳтиром, кичикларга иззат, ҳурмат, деган эътиқодга амал қилиш.
7. Аёл зотига эҳтиром яъни, муҳаббат, гўзаллик ва нафосат тимсоли, абадий ҳаёт рамзи бўлган аёлни қадрлаш.
8. Сабр-тоқат, ва меҳнатсеварлик.
9. Ҳалоллик, меҳр-оқибат ва ҳоказо.

Бу тамойил ва қадриятлар Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг ўз миллий қадриятларини асраб - авайлаши, келажак авлодларга етказиши учун тўла имкониятлар яратилишини ифодалайди. Ўтмишдаги боболаримиз қолдирган мерос, маданий бойликлар, мумтоз қадриятларни ҳурмат қилиш, уларни ўрганиш, улар замиридаги бу тамойилнинг асосий жиҳатларидир. Ҳар бир миллатнинг тили, қадриятлари, урф-одатлари, анъаналарини ҳурмат қилишни таъминлаш миллий истиқлол мафкурасининг амал қилишида умуминсоний андозалар намоён бўлиши учун асослар яратади.

Демак, ўзбек халқининг миллий хусусиятларида:

**1. Оила - муқаддас тушунча.** Оила қуриш - ўта масъулиятли иш. «Оила - эскилик унсури эмас». У муқаддас, оилада миллат келажаги мужассам. Ёшларни тарбиялашда, камолга етказиш, илм-хунар бериш, уйли-жойли қилиш - аксарият оилаларнинг энг олий мақсадидир...

**2. Маҳалла - ўз-ўзини бошқаришнинг ўзбек халқи яратган энг катта ютуғи,** оқилона шаклидир. Маҳалла - тарбия маскани, ҳар бир оилага таянч ва суянч эканлиги кўпчиликка аён.

**3. Қўни-қўшничилик муносабатлари** узоқ тарихга эга бўлиб, асрлар давомида бу борада муайян қадриятлар шаклланган. «Ён қўшним - жон қўшним», «Ховли олма - қўшни ол», «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал» ва ҳ.к.

**4. Кексаларга ҳурмат** - инсон ҳаётий тажрибаси давомида шаклланган қадрият. Жонли табиатда ҳаёт учун кураш қонунияти мавжуд. Насл қолдириш, яғи авлодга меҳр қўйиш, уни оёққа турғозиш жон фидо қилиш ҳоллари аксарият ҳайвонларда кузатилади. Аммо, қарияларни эъзозлаш, кексаларга эҳтиром, меҳр-мурувват кўрсатиш - инсоний фазилятдир. Буларсиз миллий ғоямизни тасаввур эта олмаймиз. «Кексани қопда сақла, ўлигини ҳафта сақла»...

**5. Аёл зотиға эҳтиром** - инсониятнинг ярмидан кўпини ташкил этадиган хотин-қизларга бўлган муносабатнинг энг юқори чўққисидир. Демократиянинг энг муҳим ютуғи - ҳар икки жинснинг тенг ҳуқуқли ва эркин бўлишини таъминлашдир...

**6. Онага бўлган ҳурмат ва садоқат** - энг олий қадриятдир. Шунинг учун Ватанга, миллий тилга нисбат берилганда она номи қўшилади. Миллий истиқлол ғояси оналар учун, жамиятдаги барча аёллар учун фаровон ҳаёт, гўзал турмуш яратишни мақсад қилиб, хотин-қизларнинг эркинлиги ва ўз қадр-қимматини англаб етишига, ўз салоҳият ва имкониятларини юзага чиқаришга шароит яратишни бош ғоясида мужассамлаштирган.

Демак, миллий қадриятлар инсоннинг инсон сифатида ўзини англаши, ўз-ўзини ҳимоя қила олиши, эришган зафар йўли ва мағлубиятлари, ситамли дамларининг ёдномаларидир.

Миллий анъаналар - миллий қадриятларнинг бир бўлаги бўлиб, у миллат ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган тушунчалар, белгилар, хусусиятлар, фаолият турлари, одатлар ва ислохотларнинг авлоддан - авлодга ўтиш ҳамда мерос бўлиб қолиш тарзи.

Мустақиллик йилларида анъаналарга айланиб бораётган байрамлар ҳам мавжуд:

1 январь - Янги йил.

8 март - Халқаро хотин - қизлар куни.

21 март - Наврўз байрами.

9 май - Хотира ва қадрлаш куни.

31 август - Қатағон қурбонлари шаҳидлари куни.

1 сентябрь - Мустақиллик куни.

1 октябрь - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни.

8 декабрь - Конституция куни.

«Рамазон ҳайит»и (ИЙД ал-фитр).

«Қурбон ҳайит»и (ИЙД ал - АДҲА).

Ўрта Осиё халқлари тарихи билан боғлиқ миллий байрамлар ҳам бор: Мустақиллик байрами, Наврўз, Меҳржон, Бойчечак, Гул сайли ва бошқаларни нишонлаш анъанага айланиб бормоқда.

**II боб. Инсонпарвар, адолатли, демократик жамият куришда**  
**миллий ва умуминсоний кадриятларнинг аҳамияти**  
**2.1. фуқаролик жамиятини куришда миллий ва умуминсоний**  
**кадриятларнинг ўрни.**

Мустақиллик даврида мамлакатда демократик жамият куришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Конституциянинг ғоялари, мақсадлари, руҳи, унинг ҳар бир қондаси БМТнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси», асрлар мобайнида илғор ва етакчи мамлакатларда шаклланган демократик кадриятлар, миллий давлатчилик, шунингдек, бир неча минг йиллардан буён авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган шарқона давлат ва жамиятни адолатли идора этиш, мамлакатни бошқаришда халқнинг ҳам бевосита иштирок этиши анъаналарини ўзида мужассамлаштирди.

Миллий мустақилликнинг дастлабки давридаёқ мамлакатда фуқаролик жамияти куриш ва унинг муҳим институтлари бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг эркин ва мустақил фаолият юритишлари учун ҳуқуқий асослар яратилди. Конституциянинг алоҳида «*Жамоат бирлашмалари*» боби республикада фуқаролик жамияти ва кўп партиявийлик тизимини қарор топтириш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий жиҳатлардан шарт-шароитлар яратди. Унга биноан жамоат бирлашмаси, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар каби тушунчаларга ҳуқуқий аниқликлар киритилади. Энди улар демократик талқинлар асосида таърифлана бошланди. Айниқса, Конституциянинг 58-моддасидаги “*Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди*”<sup>1</sup>, 34-моддасидаги “*Ўзбекистон Республикаси*

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2000,16-бет.

фуқаролари касаба уюшмалари, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-кимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас”, деган фуқаролик жамият мустақиллигини таъминлашга доир ҳуқуқий принципни эътироф этилиши республикадаги жамият тараққиёти инсоният ҳаётининг бир неча асрлар мобайнида тажрибаларидан ва синовларидан муваффақиятли ўтган фуқаролик жамияти сари интилаётганлигини билдиради. Ўзбекистонда сайлов тизими учун Конституциянинг **“Сайлов тизими”** бобидаги 117-моддага биноан республика «фуқаролари эркин равишда вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар»<sup>1</sup>.

XXI аср демократик тамойилларнинг устувор келиши кўзга ташланади. Ижтимоий ҳимоя тизими ҳам мустақил давлатчилигини ўсиб демократлашуви асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Лекин, “жамиятнинг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоя қилиш” тамойили янгича йўналишдир.

Мустақиллик Ўзбекистон халқи ҳаётида янги тарихий даврни бошлаб берди. Бу даврнинг маъно ва моҳияти Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг “Ўзбек модели” билан узвий боғлиқлигидир. Айни пайтда янги мустақил давлатлар қаторида Ўзбекистон Республикаси олдида турган умумий вазифани қуйидагиларда қўриш мумкин: унинг мазмун-моҳияти ва асосий тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасидаёқ «Ўзбекистон - суверен демократик республика, давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади»<sup>2</sup> деган қоидада ўз ифодасини топган бўлса, Президент И.А.Каримов асарларида биз қураётган демократик жамиятнинг бошқа

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2000, 35-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003, 4-б.

жамиятлардан ўзининг анъанавий андозаларидан тубдан фарқлари, унинг ўзига хослиги ва бетакрорлиги илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилган. Бу - давлатлар олдида муваффақиятсиз, чиппакка чиққан тарихий тажрибанинг фожеали оқибатларини қисқа давр ичида бартараф этиш каби умумий вазифа турганлиги билан боғлиқ. Бу уни атрофлича ўрганишни такозо этади. Натижада, мамлакатлар олдида турган мақсад ва вазифаларнинг умумий жиҳатларини очишга, ўтмишдан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда қолган асоратлардан холос бўлиш йўллари кўришга ёрдам беради.

Шунингдек, замонавий бозор иқтисодиётига эга бўлган, одамларга муносиб турмуш кечиришини таъминлай оладиган, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қила оладиган чинакам демократик жамият қуришдек мураккаб вазифани ҳал этиш билан боғлиқ умумий заруратнинг мавжудлигидир. Ўзбекистон ҳам ана шундай давлатлар жумласига кирганлиги боис мамлакатимизда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор берила бошланди. Демократик тараққиёт йўлидан собит қадам билан ривожланишда нималар ҳисобига эришиш мумкинлигини билиш учун ҳам уни фан сифатида ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Умуман, мустақиллик даврида одамларимиз онгида ижтимоий адолатнинг янгича тушунчасининг шаклланиши мамлакатимиз келажаги ва ислохотлар муваффақияти гаровига айланмоқда. Адолатли жамият қуриш ҳақидаги умуминсоний орзулар ва қарашларни янги жамият барпо этиш манфаатларига бўйсундириш муҳим амалий масала бўлиб турибди. Биз барпо этаётган жамият инсонпарвар бўлмоғи зарур. Бунда демократик моделларни кўр-кўрона кўчириб олмасдан, балки илғор демократик жамиятлар тажрибасини танқидий ўрганиш асосида фуқаролик жамиятини қуриш эҳтиёжларига хизмат қилдириш талаб этилади.

Ўзбекистонда ислохотлар бошланган дастлабки йиллардаёқ, кучли ижтимоий ҳимоя тизимини яратишдан мақсад, инсонга муносиб турмуш ва фаолият шaroитларини вужудга келтиришдан иборат, деб белгиланган эди. Мамлакат Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз янгилашиш ва тараққиёт йўлига асос бўлган энг муҳим қоидалардан бири бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча босқичларида олдиндан кучли ижтимоий сиёсатни ўтказишдир»<sup>1</sup>.

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини кўриш даврида ўтиш жараёнини оқилona ташкил қилиш инсон манфаати асосий ўринда туради. Ўтиш даврида амалга ошириладиган асосий вазифалар ижтимоий ҳимоя тизимини ва ижтимоий адолат тамойилларини юзага чиқариш, уни жамият ҳаётида барқарор қилиш мақсадларини ҳам назарда тутати.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканини белгилайдиган норманинг чиқарилиши ушбу даврдаги муҳим сиёсий-ҳуқуқий воқеалардан бири бўлди. Бугунги кунда Конституциямизнинг 89-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди” деган қоида белгилаб қўйилган.

Илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозимининг тугатилиши ҳам либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди. Қабул қилинган қонунларга мувофиқ эндиликда Бош вазир нафақат Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади, балки унга раҳбарлик қилади ва унинг иши самарадорлиги учун шахсан жавоб беради, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларига раислик қилади, ҳукумат ҳужжатларини имзолайди, давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.І. –Т.: Ўзбекистон. 322-б.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, конун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда.

Миллий маънавий қадриятлар кўп асрлик тарихга эга. Ўзбекистондаги тарихий обидалар, маданий ёдгорликлар ё урф-одат ва маросимларни таҳлил қилиш, буларнинг пайдо бўлиши жуда қадим замонларга бориб тақалишини кўрсатади. Масалан, «Авесто» бундан 2700 йил муқаддам 12 минг мол терисига олтин харфлар билан битилган бу асар пайдо бўлиши учун ундан аввал ҳам камида неча минг йиллик давр ўтганлиги, теран ҳаётий тажриба ва ҳикматлар тўпланганлиги, шубҳасиз. Бу асар юксак маданий ҳаёт, фалсафа ва фан, ҳоттотлик ва муштарийлик ривожланиши натижасида яратилганлиги учун ҳам шу пайтгача ўз қимматини йўқотмади.

Истиқлол халқимизга сўз ва фикр эркинлиги билан бир қаторда илгари ишлатилиб келган кўпгина миллий тушунчаларни ҳаётимизга қайтарди. Эндиликда “қадриятлар”, “миллий қадриятлар”, “маънавият”, “мустақиллик”, “истиқлол”, “миллий ифтихор” каби тушунчалар ўзининг асл мазмунига эга бўлмоқда. Шунини мамнуният билан айтиш керакки, мазкур атамаларнинг ҳаётимизга кириб келиши ва қисқа вақт ичида теран илдиз отиб кетишида муҳтарам Президентимиз И. А. Каримовнинг хизматлари катта. Унинг асарлари ва нутқларида мустақиллик туфайли ҳаётимизнинг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришлар, жумладан миллий қадриятларимиз, маданиятимиз, урф-одат, анъаналаримизнинг тикланиши, миллий ғуруримиз, миллий ўзлигимизни англашимизнинг тобора юксалаётганлиги фахр ва ифтихор билан қайд қилиниб келмоқда. “Халқимиз сарчашмаларининг

кўзлари қайтадан очилганлиги, - деб ёзади И. Каримов, - жаҳон маданияти ютуқларига зўр ҳисса қўшган буюк аجدодларимизнинг маданий ва маънавий мероси теранлиги ва чуқурлиги англаб олинганлиги, ҳар бир авлоднинг ўз ўтмишига, олижаноб миллий ва диний анъаналарига ҳурмат билан қараш, уларни асраб - авайлаш руҳида тарбияланаётганлиги, айтиш чоғда ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси ва уларга ошно бўлиш зарурлиги равшан англаб етилганлиги - мана шуларнинг ҳаммаси ҳаётбахш бир заминдирки, бизнинг янгиланиш ва халқимизнинг миллий ўзлигини англашни ошириш, аҳолининг сиёсий етуклиги ва фаоллигини кучайтириш борасидаги сиёсатимиз мана шу заминга таянади”<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, мустақиллик миллий маънавиятимизнинг заминини ташкил қилувчи “қадриятлар”, “миллий қадриятлар”, “маънавият”, “мустақиллик”, “истиклол”, “миллий ифтихор” каби тушунчаларнинг ижтимоий - сиёсий ва кундалик ҳаётимиздаги асосий аҳамияти ва ўрнини қайта тиклаб берди. Бу бизнинг маънавий ҳаётимизда қўлга киритган катта ютуқларимиздандир.

Энг аввало, шуни қайд қилиш керакки, қадриятлар жуда сермазмун ва кўп қиррали тушунча. У биринчидан, бирор объектнинг ижобий ёки салбий қимматини ифодаласа, иккинчидан, ижтимоий онгнинг норматив белгиловчи - баҳоловчи жиҳати (субъектив қадриятлар ёки онг қадриятлари) ни ифода этади. Шунга кўра объектив (ашёвий) ва субъектив (онг) қадриятлари бир-биридан фарқланади<sup>2</sup>.

Табиий бойликлар ва табиат ҳодисалари (булар яхшилик ва ёмонлик нуқтаи назаридан баҳоланади) меҳнат маҳсулларининг истеъмол қиймати (умуман фойдалилик); ижтимоий ҳодисаларда мужассамлашган ижтимоий эзгулик ва ёвузликлар; тарихий ҳодисаларнинг прогрессив ёки реакцион аҳамияти; ҳозирги замон кишиларининг бойлиги сифатида намоён бўлувчи

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. – Т., Ўзбекистон, 1996, 140-бет.

<sup>2</sup> Барҳаёт миллий қадриятлар. – Т., 1996, 462-бет.

мозийнинг маданий мероси; илмий ҳақиқатнинг фойдали самараси ёки назарий аҳамияти; кишиларнинг хатти-ҳаракатларида ифодаланувчи ахлоқий яхшилик ёки ёмонлик; табиий ва ижтимоий объектларнинг ҳамда санъат асарларининг эстетик жиҳатдан тавсифланиши; саждагоҳлар, диний ибодат буюмлари ва бошқалар ашёвий қадриятларга киради.

Қадриятлар ичида энг биринчи ва энг умумийси ҳаётнинг ўзидир, чунки ҳаётдан маҳрум бўлиш қолган барча қадриятлардан фойдаланишни йўққа чиқаради... қолган қадриятлар, аслини олганда, ҳаёт неъматларининг моҳиятидир, маданий қадриятлардир”<sup>1</sup>. В. П. Тугаринов “қадрият” ва “баҳо” тушунчаларини бир-биридан фарқлаш зарурлигини уқтиради. Қадрият реал ёки орзудаги ҳодиса (бор нарса ёки идеал)дир, баҳо эса шу ҳодисага муносабатни билдиради. У ёки бу ҳодисани қадриятларга мансуб ҳисоблаш, яъни уни қадриятларга қўшиш ёки қўшмаслик ана шу муносабатга ижобий ёки салбий баҳога боғлиқ.

Инсон шундай бир борлиқки, табиатда ундан улуғ ва мўътабар бошқа бирон бир мавжудот йўқ. Инсон табиат яратган жаъми мўъжизаларнинг султони, жумлаи жаҳон деб аталувчи табиатнинг гултожидир.

Маълумки, қадриятлар ўз моҳиятига кўра хилма-хилдир. Улар орасида табиий, моддий, маънавий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қадриятлар алоҳида ажралиб туради. Бироқ, шундай бўлса-да, қадриятларнинг энг олийси инсоннинг ўзи, унинг ҳаёти, ҳуқуқи ва эрки, соғлом ва фаровон турмуши ҳисобланади. Инсон кадр-қимматини, шарафини улуғлаш – жамиятимиз покланиши ва равнақининг муҳим омилдир. Буни биз кундалик ҳаётимизда кўриб турибмиз<sup>2</sup>.

Инсон дунёдаги энг юксак ривожланган жонзот. Унда тана, жисмийлик билан чамбарчас боғланган "онг", "жон", "руҳ", "ўзлик", "маънавият" ва бошқа сўзлар билан аталувчи томонлар ҳам бор. Келинг, ана шулар нима

<sup>1</sup> Маврунов А. Маънавий соғломлаштириш даври. – Т., 1994, 3-бет.

<sup>2</sup> Жондор Тўланов. Қадриятлар фалсафаси. Т., Ўзбекистон, 1998, 333-бет.

эканлигини тушунишга ҳаракат қилайлик. Образли қилиб айтадиган бўлсак, одамдаги сезгилар "маънавийлик"нинг "эшик-деразалари" ҳисобланади. Чунки сезгилар, ҳиссиётларсиз руҳиятнинг ўзи бўлмайди, бошқача айтганда, ҳар қандай фикр ҳис-туйғулар "кийимида" юзага чиқади. "Ўзлик"нинг навбатдаги пиллапояси туйғулар, кейингиси эса тасаввурлардир. Айнан тасаввурлар инсон онги, тафаккурида мавжуд мазмуннинг мавҳум шаклдалигини таъминлай олиш қобилияти ҳамдир. Шу маънода фикрлар, тафаккур, ақлимиз, унинг барча мураккаблиги (орзулар, хаёллар, ғоялар, фантазиялар, хотиралар, ирода, истаклар, қадриятлар ва шу каби абстрактлик "кийимини кия оладиган" "ўзлигимиз"нинг бошқа элементлари) тасаввурлар билан бирлашиб, омихта, баъзан маҳзун, баъзан қувноқ, баъзан жаҳлдор, баъзан яна бошқа бир кайфиятларни намоён этади.

Инсоннинг икки хил табиатга эгаллиги (бинар хусусиятлилиги) унга икки томондан назар ташлаганда намоён бўлади. Бир томондан, инсон озиқ-овқат ейиш, сув ичиш, авлодни давом эттириш, хавфсиз бўлишга интилиш каби эҳтиёжларига кўра биологик мавжудот саналади. Шу маънода унда бошқа ҳайвонотлар каби генетик мустаҳкамланган қайтарилмас ўзига хослик ва ноёбликлар, инстинктлар мавжуд. Бу жиҳатдан инсон ҳайвонлардан ўрганишга, билишга қобиллиги, бошқа кишилар билан ўзаро муносабатлари туфайли ўз ҳатти-ҳаракатини ўзгартириши билан фарқ қилади.

Бошқа томондан эса, инсон ўзининг тафаккурини, индивидуал характерини ва атроф-муҳит ҳақидаги билимларини бошқа кишилар билан бўладиган мулоқотлари ёрдамида доимо ривожлантириб боради. Бошқа одамларнинг таъсирисиз инсон ҳайвонлар даражасида қолган бўларди. Демак, уни бошқа индивидлар билан алоқадорликлари туфайли, одамлар жамоаси қуршовида таркиб топган ижтимоий мавжудот дейиш мумкин.

Инсон вужудга келибдики ўсишда, улғайишда, камолотга томон интилишдадир. Бу ҳол қадимги дунёдан токи ҳозиргача давом этиб келмоқда.

Барча даврларда инсониятнинг кўзга кўринган даҳолари инсонни маънавий такомиллаштириш масаласига қайта-қайта мурожаат қилишган. Ҳар бир инсоннинг орзу армонлари, илми, тафаккури, кечинмалари, ҳис-туйғулари беҳисоб. Ана шуларнинг барчаси жам бўлиб, тартибга келтирилиб, таълимотлар сифатида таркиб топган. Инсоният тарихи бундай таълимотларга бой.

## **2.2. Талабаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш**

Мамлакатимизда миллий қадриятларни тиклаш бўйича жиддий тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги маънавиятимизнинг тикланишида жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. Миллий қадриятларимизнинг тикланаётганлигини бугунги кунда жаҳон тан олмоқда. Айниқса, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Баҳоуддин Нақшбанд каби улуғ сиймоларга, Бухоро, Хива шаҳарлари юбилейларига бағишланган тадбирлар, симпозиумларда дунёнинг 50 дан ортиқ давлатларидан вакилларнинг қатнашганлиги бунинг ёрқин мисолидир.

Маълумки, анъаналар халқнинг тарихий шаклланиши ва ривожланиши жараёнида яратилган ва аجدодлардан авлодларга муқаддас мерос сифатида ўтиб келаётган бебаҳо маънавий бойлик ҳисобланади. Миллатнинг асосий белгиларидан бирига айланган одатларни асраш ва камол топтириш ҳар бир авлоднинг муқаддас бурчи бўлиб қоляпти. Анъаналар барҳаёт бўлиши учун, энг аввало, уни келажагимиз бунёдкорлари - ёшлар эгаллаши лозим.

Анаъанавий халқ байрамларининг тикланиши ўзбек маданияти тарихида ўта муҳим воқеа бўлиб қолмоқда. Чунки байрамлар ҳаётнинг энг яхши томонларини ўзида мужассамлаштирган маданиятнинг йирик ва муҳим шакли ҳисобланади. Шу йўл билан азалий байрамларнинг тикланиши билан

халқ маданиятининг энг қимматли томонларини жонлантиришга замин яратилди.

Халқ анъаналарининг тикланиши борасида сўз борганда, ёшлар камолотида муҳим ўрин тутадиган халқ ўйинларига алоҳида тўхталиш лозим. Аجدодларимизнинг энг қадимий анъанавий, кўпгина маданият шакллари - рақс, театр ва спортга хос маросимлар шу ўйинлар заминидан келиб чиққан ва тарихий жараёнда авлод - аجدодларимизнинг соғломлаштирувчи воситаси бўлиб келган.

Республикамызда халқ ўйинларининг тикланишида Фориш туманининг тажрибаси диққатга сазовордир. Форишда 1994 ва 1996 йилларда республика I-II олимпиадаларининг ўтказилиши ўлкамизнинг турли жойларида халқ ўйинларига бўлган қизиқишини кучайтириб юборди. Форишда ўтказилган олимпиада мусобақаларининг иштирокчилари ўспирин - ёшлардан иборат бўлди. Бу эса XX аср ўрталарида унутила бошлаган анъаналарни аср охирида тиклаб, ёшлар ўзлаштира бораётганидан далолат беради. Булар истиқлол халқимизга берган бир имкониятдир.

Равшанки, кўнгилда ватанга муҳаббат ёлқинлашиб турмаса, унга ошуфталик қалбни қайнатмаса, вужудингда Ватанга фарзандлик бурчи масъуллик торларини ҳаракатга келтирмаса, ҳарчанд “Ватаним - саждагоҳим, иқбол масканим” дейилгани билан биздаги меҳру садоқат қандайдир мавҳумийликка мойил ҳисга ўхшаб кетади.

“Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту-саодати уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда... Одобли, билимдон ва ақли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир”<sup>1</sup> деб ёзади Ислом Каримов.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч”, Т.: “Маънавият”, 2008, 56-бет

Шу жарёнда ҳар бир шахсда миллий маънавиятни, миллий онг, миллий шуур, миллий туйғуни баркамолликка кўтариш омиллари фаоллик жараёнига кўчади. Бу улуғвор мақсадларни амалга ошириш учун жамиятимиз ўзининг реал имкониятларига эга. Аввало, озод ва мустақил Ватанда халқни фаровонликка етакловчи ва маълум маънода муносиб турмушни кафолатловчи шарт-шароитлар яратилди. Давлатимизда фидойи, ишчан, ташкилотчилик салоҳияти баланд малакали кучлар улғайди. Улар сиймоси, фаолиятида миллий маънавиятнинг барқарор мағзи, яратувчан кучи мавжуд. Миллий маънавияти барқарор шаклланган бундай кишилар ўз халқи, миллати, ватани манфаатини ҳар қандай шароитда ҳимоя қилади, ўз фаолиятида халқимизнинг миллий маънавиятини намоёниш эта оладиган, миллатнинг салоҳиятини, Ватан қадри, шаъни, шухратини эллараро, давлатлараро кўрсата биладиган инсонлардир

**Талаба-талабаларга миллий қадриятларни таълимдан ташқари ишлар орқали сингдиришнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларга эътибор қаратилиши лозим:**

- ёшларни эркин фикрлашга ўргатиш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишига кўмаклашиш, ўз-ўзини идора ва назорат қила билишини шакллантириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашув, режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиш;

- талабаларни миллий, умуминсоний қадриятлар, Ватанимизнинг бой маънавий мероси билан таништириш, маданий ҳамда дунёвий билимларни эгаллашга бўлган талабларини шакллантириш, малака ҳосил қилдириш, ўстириб-бойитиб бориш ва эстетик тушунчаларини шакллантириш;

- ҳар бир ўсмирнинг билимдонлигини ва ижодий имкониятларини аниқлаб, уларни ривожлантириш, инсон фаолиятини турли соҳаларда жорий қилиб кўриш. Болалар ижодкорлиги, иқтидорини юзага чиқариш ва янада кўллаб-қувватлаш учун шарт-шароит ҳозирлаш;

- инсонпарварлик одоби меъёрларини шакллантириш (бир-бирини тушуниш, меҳрибонлик, шафқатлилик, ирқий ва миллий камситишларга қарши кураша олиш), муомала одоби каби тарбия воситаларини кенг қўллаш;

- одамлар билан ўзаро муносабат – мулоқотни ўрганиш, ўз халқига, давлатига, унинг ҳимояси учун ҳамиша шай бўлиб туриш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг рамзларига ҳурмат билан қараш, ёш авлодни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Байроғига, Гербига, Мадҳиясига, Президентига садоқатли қилиб тарбиялаш;

- қонуний жамоа ахлоқи ва турмуш қоидаларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш, шахснинг ноёб қирраларини белгиловчи фуқаролик ва ижтимоий масъулият ҳисларини ривожлантириш, ўзи яшаётган мамлакатнинг раънақи. Инсоният тараққиётини барқарор сақлаб қолиш учун фидойиликни, экологик таълим-тарбияни амалга ошириш;

- мустақил давлатимиз – Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига қизиқишни ошириш. Унинг тинчликсеварлик, демократия ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, ошкора-очиқ ташқи сиёсатига ва ўз халқининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қиладиган ички сиёсатини тўғри тушунтириш;

- турмушда энг олий қадрият ҳисобланган меҳнатга ижодий ёндашиш фазилатларини шакллантириш;

- соғлом турмуш тарзига интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш, муносиб оила соҳиби бўлиш истагини шакллантириш;

- ёшларимизни эркин ва мустақил фикрлашга ўргатиш.

Таълимдан ташқари тарбиявий ишлар талаба-талабаларнинг қизиқиши, истаклари, хоҳиш ва эҳтиёжларига суянган ҳолда, уларнинг дарсдан бўш

вақтларида ўқув-тарбия жараёнини тўлдиради. У талаба-талабаларнинг ижодий қобилиятларини, ташаббускорлигини оширишга имконият яратади. Таълимдан ташқари ишларнинг ўзига хослиги шундаки, тўғарак, клуб дастурларининг ранг-баранглиги, улар мазмунидаги янгиликлар йиғит-қизларнинг ижтимоий шахс сифатида шаклланишлари учун қатор имкониятлар яратади.

Таълимдан ташқари ишларни амалга ошириш орқали талаба-талабалар ўртасида миллий истиқлол ғояларини тарғиб қилиш, шакллантириш имкониятлари мавжуд бўлиб, уларни такомиллаштириш орқали самарали натижаларга эришиш мумкин.

Талаба-талабаларнинг бир кунлик вақт бюджети: ўқув ва дарсдан ташқари вақт социологиясини аниқлаш ва шу асосда таълимдан ташқари ишларни самарали ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур.

Дарсдан ташқари маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда: танловлар, клублар, бадий ҳаваскорлик, учрашувлар, баҳслар, спорт мусобақалари, давра суҳбатлари, тренинглар ва ҳ.к., усуллари: ишонтириш, намуна кўрсатиш, ўрганиш, машқ қилдириш, рағбатлантириш, иллатларга салбий муносабат билдириш, мунозаралар, кузатиш, тренинг, жамоавий ижодий фаолият, “мафкуравий вазият”, ҳаракатли, тақлидли, ролли ўйинлар ва ҳ.к.лардан самарали фойдаланиш лозим.

Ўзбек оилаларидаги китобга муҳаббат, китобни асраб-авайлаб сақлаш ва китобхонлик ҳалқимиз маънавий камолотида муҳим аҳамият касб этган фазилатга айланган.

Чунки кишининг ўзини-ўзи тарбиялашида китоб ҳам билим манбаи, ҳам ўзингизни кўриш, таққослаш, тақлид қилиш, мунозара юритиш, баҳслашишда маълум даражада кўзгу вазифасини ўтайди. Китобхонлик мушоҳада ва мулоҳаза юритиш иқтидорини шакллантиради, фикрни

чархлайди, теранлаштиради. Таълимдан ташқари ишларда ёшларни китоб мутола қилишга даъват этиш, уларнинг китоблардан фойдаланиб ўз устида ишлаш имкониятларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Тарихий жойлар, осори атиқалар, ёдгорликлар, зиёратгоҳлар билан танишиб, уларни ўрганишга талаба-талабалар жалб этиш зарур. Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, музейлар фаолиятини янада такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Музейларга талаба-талабаларнинг ташрифини уюштириб бориш анъанага айланиши керак.

“Менинг давлатим”, “Менинг халқим”, “Менинг Ватаним”, “Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам бўлмаймиз ҳам” ва шу каби Битирув-малакавий ишиларда турли маърифий тадбирлар ташкил этиб, уларда талаба-талабаларнинг фаол иштирокини таъминлаш лозим.

Туман, шаҳар, вилоят ва республика маънавият-маърифат марказлари, олийгоҳлар, илмий текшириш институтлари, музейлар, саёҳат муассасалари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ишлашни йўлга қўйиши зарур.

Музейлар, тарихий жойлар, завод-фабрикалар, санъат даргоҳлари, концерт заллари, театр, телевидение ва ҳоказоларга саёҳат дарсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Тарихий жойларга саёҳат ўзига хос маънавий-маърифий иш услуби бўлиб, талабаларга ўрганилаётган объектни бевосита кўриш, кузатиш ва улар тўғрисида мукамал, тўлиқ маълумотлар олиш имконини беради. Бу дарс афзаллигининг яна бир томони бўлиб, ўрганилаётган объект тўғрисида илгариги мавжуд билимларини тўлдириш учун қиёслаш, таҳлил қилиш шароитини яратади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудий бирликларида саналар, номлар, тарихий воқеалар, даврлар билан боғлиқ жойлар мавжуд. Улар кўча, тепалик,

бино, сой, ариқ, қишлоқ, овул, маҳалла бўлиши мумкин. Саёҳатларни ўқув муассасасига яқин, талабаларнинг яшаш жойларида уюштириш катор қулайликларга эга.

Учрашувлар, танишувлар, кўргазмалар, кўрик-танловлар ташкил қилиш миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдиришда муҳим аҳамиятга эга. Миллий истиқлол ғоясини талабаларга сингдиришда жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар алоҳида аҳамиятга эга. Улар халқ севган адиблар, санъат усталари, ҳуқуқ органларининг вакиллари, Ватан қаҳрамонлари, ҳарбийлар, солиқ, меҳнат бўлимларининг ходимлари, сиёсий партияларнинг вакиллари, олимлар, сиёсатчилар ва спортчилар бўлиши мумкин. Бундай жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар ҳаёт тажрибалари хусусида жонли мулоқот юритишга имкон беради. Улар билан мулоқот орқали талаба-талабалар ўзларини қийнаётган, қизиқтирадиган саволларга бевосита жавоб оладилар. Уларнинг ҳаёти ва фаолияти Ватан учун хизмат қилиш ғоясига яққол мисол бўлиб, талабаларни ана шу йўсинда яшашга ундайди.

Фан бўйича тўғараклар ташкил этиш ва уларнинг муттасил ишлашини таъминлаш миллий истиқлол ғоясини талабалар онгига сингдиришда муҳим таълим-тарбия жараёни ҳасобланади.

Тўғараклар ва ёшлар клубларида кўрик-танловлари ёки конференциялар, фотосуратлар, альбомлар, расм чизиш, кашта, сўзана ва бошқа миллий ҳунармандчилик ишларини намойиш қилиш билан ҳам миллий истиқлол ғояси тушунчалари сингдирилиши мумкин.

Ёшларнинг тўй-маъракаларда, оммавий сайиллар, байрамларда иштироки асосида маҳаллада ўзини тутишни, каттага ҳурмат, кичикка иззатни, яхши-ёмон кунларда елкадошликни ҳис қилишни ўргатиш орқали миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойилларидан бўлган миллий ва

умуминсоний қадриятларга муносабатни шакллантиришга эътибор қаратиш лозим.

1. Барча фанларни ўқитишда таълим жараёнида асосий эътиборни талабаларни маънавий ва маърифатли қилиб тарбиялашга қаратиш.

2. Ҳар ўқув йилининг сентябрь ойида биринчи курс талабаларига мустақиллик тамойилларини чуқур сингдириш мақсадида мустақиллик рамзларига бағишланган қўшимча дарслар (10-20 соат) ташкил этиш. (Бу дарсларни ижтимоий фанлар ва адабиёт фанлари ўқитувчилари ўтказсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди).

3. Барча талабалар учун ҳар чоршанба куни дарсдан сўнг мутаазам ўтказилиб туриладиган қуйидаги маънавий - маърифий ўқувларни ташкил қилиш:

1 - чоршанба - Президентимиз асарлари ва нутқларини ўрганиш.

2 - чоршанба - Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ва республика қонунларини ўрганиш.

3 - чоршанба - ахлоқий - маърифий ўқувлари (бунда Қуръони карим, ҳадис ва дин илмининг кўзга кўринган намояндалари асарларидан ҳам кенг фойдаланиш).

4 - чоршанба - бозор иқтисодиёти муносабатлари ўқуви.

Ушбу ўқувлар тасдиқланган жадвал асосида тарих, фалсафа, иқтисодий назария, сиёсатшунослик, этика ва эстетика, одобнома, ҳуқуқ кафедралари профессор - ўқитувчиларини тўлиқ жалб қилган ҳолда, Қуръони карим, ҳадис илми ҳамда ислом тарихини яхши биладиган мутахассислар ҳам иштирок этган ҳолда ўтказилади.

4. Барча профессор - ўқитувчилар учун ҳар ойнинг жума кунларида мунтазам равишда қуйидаги маънавий - маърифий ўқувларни ташкил қилиш:

а) Мустақиллик дарслари (Президент асарлари, нутқлари, фармонлари, қарор в қонунлар ўрганилади);

б) бозор иқтисоди муносабатлари;

в) маънавият дарси (талабаларга ўқиладиган маънавият асослари бўйича ҳамда ислом тарихи ва қонун - қоидаларини яхши биладиган мутахассисларни ҳам жалб этган ҳолда);

г) шарқ педагогикаси;

д) шарқ фалсафаси

Ушбу маърифий ишларни уюштириш учун маънавият ва маърифат бўлими ходимлари масъулдирлар. Улар дарс Битирув-малакавий ишиси, режа ва дастурларни, дарс жадвалларини, маърузачи профессор-ўқитувчиларни, четдан таклф қилинадиган маърузачилар тайёрлашлари ва таъминлашлари лозим. Дарсларни ташкил этишда эса факультет деканларининг муовинлари бўлим ходимларига яқиндан ёрдам қилишлари керак.

Университет (ўқув юрти) раҳбарияти маърузачилар ва мулоқот дарсларини олиб борадиган ўқитувчиларга қўшимча соатбай ҳақ тўлашлари, уларни ҳар томонлама рағбатлантириб туришлари лозим.

Ўқув юрти миқёсида маънавият ва маърифат ишлари режа ва тадбирларини тузиш ва уни амалга оширишда яна қуйидаги вазифаларга эътиборни қаратиш ҳам муҳимдир:

- талабалар турар жойларига бириктирилган ижтимоий ва умумий олий ўқув юрти кафедралари маънавий - маърифий, тарбиявий иш режаларини муҳокама қилиб, уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

- мустақиллик ва маънавият Битирув-малакавий ишида семинарлар ташкил этиш;

- тарихий ёдгорликлар, маърифий масканлар, санъат кошоналари ҳамда мустақиллик даврида қад кўтарган иншоотларга талаба ёшлар ва талабаларнинг экскурсияларини ташкил қилиш;

- ўлкашунослик ва Ватанимиз тарихига оид тўғараклар ишини жонлантириш;

- “йил профессори”, “йил доценти”, “йил ўқитувчиси” тадбирларини ўтказиш жараёнида иштирокчиларнинг маънавий - маърифий, ахлоқий, тарбиявий ишларда иштирокига эътибор қаратиш;

- ижтимоий кафедра ўқитувчилари, хотин - қизлар уюшмаси ҳамкорлигида талабалар ўртасида “Одоб сабоқлари”, “Одобнома”, “Ҳаёт ва турмуш одоби” Битирув-малакавий ишисида давра суҳбатлари ўтказиш.

- барча курс ва гуруҳларда “Ватан тарихини билмай туриб, уни тўла севиб бўлмайди”, “Ватан остонадан бошланади” Битирув-малакавий ишиида давра суҳбатлари, викторина, илмий - тарбиявий соатлар ўтказиш;

- ҳарбий спорт тўғараклари ишларини янада жонлантириш гуруҳларда мардлик - жасурлик дарсларини ташкил этиш;

- факультетларда, ётоқхоналарда, шунингдек маҳаллаларда “Аёл маданияти”, “Қизлар иффати”, “Аёл маърифати”, “Аёл - тарбиячи устоз”, “Аёл - кўнгил малҳами”, “Аёл - тадбиркор”, “Аёл - жамиятнинг фаол иштирокчиси” каби Битирув-малакавий ишиларда суҳбатлар, учрашувлар (кечалар) ва илмий - амалий анжуманлар ўтказиш;

- жамоа ёшларининг умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида маънавий, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, меҳнат, эстетик маданиятини шакллантириш мақсадида таниқли санъаткор, ҳуқуқшунос, таълим ва фан арбоблари, меҳнат фахрийлари, соғлиқни сақлаш ходимлари билан ижодий кечалар ва учрашувлар уюштириш;

- талаба қизлар онгини умуминсоний ва маънавий қадриятлар, миллий истиқлол ва мустақиллик мафкураси асосида шакллантириш ҳамда уларнинг оила ва жамият ишларида фаоллигини ошириш мақсадида ўқув юртида “Қизлар клуби” янада жонлантириш;

- маънавият ва маърифат борасидаги янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб туриш мақсадида журнал ва газеталарга обуна бўлишни ташкил этиш;

- миллий мафкура ва ёшлар тарбияси Битирув-малакавий ишиида университет (ўқув юрти) профессор - ўқитувчиларининг назарий конференциясини ўтказиш;

- миллий удумларимиз бўлган “устоз ва шогирдлик” тизими моҳиятини чуқур ўрганиш асосида профессор - ўқитувчилар ва талабалар ўртасида “устоз шогирдлик” тизимини йўлга қўйиш;

- талабалар турар жойларида “намунали хона”, “намунали қават”, “намунали турар жой” кўрик - танловларини мунтазам ташкил этиб бориш;

- талабалар ва профессор - ўқитувчилар ўртасида мунтазам равишда миллий анъаналаримиз ва урф - одатларимизни тараннум этувчи кўрик - танловларни ташкил қилиш;

- ўқув юртида анъанавий спорт мусобақаларини ўтказишда миллий уйинларимизга алоҳида эътибор қаратиш;

- муаллимлар ва талабаларнинг Тошкент шаҳридаги театрларга, музейларга, диққатга сазовор бўлган жойларга жамоа бўлиб боришларини ташкил қилиш;

- ўқув юрти профессор- ўқитувчилари ва талабаларининг шоир ва ёзувчилар, давлат ва жамоат арбоблари, меҳнат фахрийлари каби таниқли кишилар билан учрашувларини уюштириб бориш.

Буларнинг барчаси маънавий ва маърифий ишларнинг мазмуни ва йўналишини англатувчи тадбирлардир. Зеро, ўқув юртлари талабалари орасида бўладиган маънавий ва маърифий ишларни шартли равишда бир неча мажмуа (блоклар) га бўлгандик. Ана шу мажмуалар бўйича тузилган режалар ёшларга маънавий тарбия беришнинг қандай савияда эканлигини кўрсатувчи мезондир. Мазкур мажмуаларнинг, дейлик, биринчиси, талаба-ёшларнинг билим доираси, умуммаданияти ва савиясини юксалтиришга бағишланган викториналар, гуруҳлараро, курслараро билимдонлик ва зукколик юзасидан мусобақалар ташкил этишдан иборат. Бунда ташкилотчилар Ватанимиз, қардош халқлар, умумжаҳон адабиёти, санъати, умуман маданиятига оид саволлар тузиб, иштирокчиларнинг бу борадаги билимларини синайдилар, ғолибларга тантанали суратда совринлар топширадилар. Бундай тадбирлар иштирокчиларни рағбатлантиришдангина иборат бўлиб қолмаслиги керак. Билафонлик, зукколик кўрсатган талабаларга нисбатан тенгдошларида ҳавас уйғотиши, уларда “Мен ҳам ўшандай бўлолмайманми?” деган интилиш туғдириши, ғолибларни тантанали тақдирлаш бошқаларда ҳам ўшаларнинг ўрнида бўлиш орзусини уйғотиши лозим. Бир гап билан айтганда, билафонликни, зукколикни талаб этувчи викторина, мусобақа каби тадбирлар маънавият ва маърифатни улуғловчи катта ташвиқий аҳамиятга эга бўлиши лозим. Агар, борди-ю, бундай тадбирлар хорижий тилларни билиш мусобақасига мўлжалланган бўлсада, яна-да яхши. Чунки ҳозирги пайтда хорижий тилларни мукаммал ўрганмай туриб, чинакам, мукаммал инсон саналиш қийин бўлиб қолди. Бу замонамизнинг талаби, давр эҳтиёжидир.

## 2.3. Мавзу юзасидан бир соатлик семинар машғулоти бўйича дарс ишланмаси

### МАЪРУЗА МАШЎУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

|              |                                                                                                                                           |
|--------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>Мавзу</b> | <b>Миллий мафкурада миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлиги. Унинг инсонпарвар, адолатли, демократик жамият қуришдаги аҳамияти</b> |
|--------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

|                                                                                                                                                                                                                                                                                                              |                                                                                                                                                                                                                                                                           |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <i><b>Талабалар сони: 50-70<br/>гача</b></i>                                                                                                                                                                                                                                                                 | <i><b>Вақти: 2 соат.</b></i>                                                                                                                                                                                                                                              |
| <i><b>Ўқув машғулотининг<br/>шакли</b></i>                                                                                                                                                                                                                                                                   | <i><b>Информацион баҳс-мунозарали дарс</b></i>                                                                                                                                                                                                                            |
| <i><b>Маъруза режаси</b></i>                                                                                                                                                                                                                                                                                 | <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Миллий ва умуминсоний қадриятлар, уларнинг моҳияти.</li> <li>2. Мустақиллик йилларида миллий қадриятларнинг тикланиши.</li> <li>3. Инсонпарвар, адолатли, демократик жамият қуришда миллий ва умуминсоний қадриятлар</li> </ol> |
| <p style="text-align: center;"><i><b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b></i> Миллий ва умуминсоний қадриятлар, уларнинг моҳиятини тушунтириш, мустақиллик йилларида миллий қадриятларнинг тикланиши ва инсонпарвар, адолатли, демократик жамият қуришда миллий ва умуминсоний қадриятларни ёритишдан иборат.</p> |                                                                                                                                                                                                                                                                           |
| <i><b>Педагогик вазифа:</b></i>                                                                                                                                                                                                                                                                              | <i><b>Ўқув фаолиятининг натижаси:</b></i>                                                                                                                                                                                                                                 |
| 1. Миллий ва умуминсоний қадриятлар, уларнинг моҳияти очиқ берилади.                                                                                                                                                                                                                                         | Талабалар миллий ва умуминсоний қадриятлар, уларнинг моҳияти билан танишадилар.                                                                                                                                                                                           |
| 2. Мустақиллик йилларида миллий қадриятларнинг тикланиши ёритилади                                                                                                                                                                                                                                           | Талабаларга мустақиллик йилларида миллий қадриятларнинг тикланиши тушунтирилади.                                                                                                                                                                                          |
| 3. Инсонпарвар, адолатли, демократик жамият                                                                                                                                                                                                                                                                  | Талабалар инсонпарвар, адолатли, демократик жамият қуришда миллий ва умуминсоний                                                                                                                                                                                          |

|                                                            |                                                                                                          |
|------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| қуришда миллий ва умуминсоний кадриятларнинг очиб берилиши | кадриятлар билан танишадилар.                                                                            |
| Ўқитиш усуллари ва техника                                 | Маъруза, “Нимада?” технологияси, БЛУМ таксофонияси, “ФСМУ” услуги, Инсерт                                |
| Ўқитиш воситалари                                          | Компьютер технологияси (“Маънавиятнинг ривожланиш тарихи” фанидан электрон ўқув услубий мажмуа) Слайдлар |
| Ўқитиш шакли                                               | Жамоа бўлиб ишлаш                                                                                        |
| Ўқитиш шарт-шароитлари                                     | Техник воситалар билан таъминланган, ўқитиш усуллари қўллаш мумкин бўлган ўқув хона.                     |
| Мониторинг ва баҳолаш                                      | Кузатиш, оғзаки назорат, савол-жавобли сўров, ўқув топшириқ.                                             |

**1.2. “Миллий мафкурада миллий ва умуминсоний кадриятларнинг уйғунлиги. Унинг инсонпарвар, адолатли, демократик жамият қуришдаги аҳамияти” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси**

| <b>Иш босқичлари ва вақти</b>       | <b>Фаолият мазмуни</b>                                                                                                                                                                                                                                                              |                                                                        |
|-------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------|
|                                     | <b>Таълим берувчи</b>                                                                                                                                                                                                                                                               | <b>Таълим олувчилар</b>                                                |
| <b>1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)</b> | <p>1.1. Ўқув курси номини айтади. Экранга янги мавзунинг режаси ёзилади. (1-илова).</p> <p>1.2. Курснинг кириш қисми тушунтириб берилади. Қадимги давр халқ оғзаки ижоди ҳақида маълумот берилади.</p> <p>1.3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништирилади.</p> | <p>Тинглайдилар, ёзадилар.</p> <p>Тинглайдилар</p> <p>Тинглайдилар</p> |
| <b>2-босқич<br/>Асосий босқич</b>   | <p>2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради</p> <p>2.2. Ислон динига оид маълумотларни беради. (2-</p>                                                                                 | <p>Ёзадилар.</p> <p>Ёзадилар.</p>                                      |

|                                        |                                                                                                                                                                                                                                                                        |                                                             |
|----------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------|
| (55 дақиқа)                            | илова).<br>2.3. Ўрта аср Ренессанс дасрига оид маълумотларни беради; (3-илова).<br>2.4. Дастлабки халқ оғзаки ижоди ва ўрта асрлар маънавияти солиштирилади; (4-илова).<br>2.5. “Тушунчалар таҳлили” технологияси асосида ўқув материали мустаҳкамланилади. (5-илова). | Тинглайдилар, Саволларга жавоб берадилар. Таҳлил қиладилар. |
| 3. <b>Якуний босқич</b><br>(10 дақиқа) | 3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, якунловчи хулоса қиладилар.<br>3.2. Талабалар билимларини мустаҳкамлаш учун саволларни беради (10-илова).                                                                                          | Саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар.                 |

1-илова

**Мавзу: “Миллий мафкурада миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлиги. Унинг инсонпарвар, адолатли, демократик жамият қуришдаги аҳамияти”**

**Режа:**

- 1.1. Миллий ва умуминсоний қадриятлар, уларнинг моҳияти.
- 1.2. Мустақиллик йилларида миллий қадриятларнинг тикланиши.
- 1.3. Инсонпарвар, адолатли, демократик жамият қуришда миллий ва умуминсоний қадриятлар.

**Ўқув машғулотининг мақсади:** Миллий ва умуминсоний қадриятлар, уларнинг моҳиятини тушунтириш, мустақиллик йилларида миллий қадриятларнинг тикланиши ва инсонпарвар, адолатли, демократик жамият қуришда миллий ва умуминсоний қадриятларни ёритишдан иборат.

**Ўқув фаолиятининг натижаси:** Талабалар миллий ва умуминсоний қадриятлар, уларнинг моҳияти билан танишадилар. Талабаларга мустақиллик

йилларида миллий қадриятларнинг тикланиши тушунтирилади. Талабалар инсонпарвар, адолатли, демократик жамият қуришда миллий ва умуминсоний қадриятлар билан танишадилар.

## 2-Илова

### Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

| Гуруҳлар | Саволнинг<br>тўлиқ ва<br>аниқ<br>ёритилиши<br>0-5 балл | Мисоллар<br>билан<br>муаммога<br>ечим топиши<br>0-5 балл | Гуруҳ<br>аъзоларининг<br>фаоллиги<br>0-5 балл | Жами<br>балл |
|----------|--------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------|-----------------------------------------------|--------------|
|          |                                                        |                                                          |                                               |              |
|          |                                                        |                                                          |                                               |              |

15 – 13 балл – «аъло». 12 – 10 балл – «яхши». 9 – 6 балл – «қониқарли».

## 3-илова

### Миллий ва умуминсоний қадриятлар, уларнинг моҳияти

Миллий қадриятлар халқнинг кундалик ҳаёти ва турмуш тарзида ўзига хос мезон вазифасини ўтайди. Ушбу қадриятлар воситасида турли ҳодиса ва ҳолатларга, янги пайдо бўлаётган фаолият турлари ва расм-русмларга баҳо берилади. Ёш авлоднинг ҳаётий мўлжаллари, «замон қаҳрамони» ҳақидаги тасаввурлари ҳам маънавий қадриятлардан келиб чиқиб шаклланади.

Қадрият турлари:

1. Инсон яшаб турган моддий муҳит билан боғлиқ бўлган қадриятлар.
2. Анъаналар, урф-одатлар ва маросимларда намоён бўладиган ахлоқий қадриятлар.
3. Инсоннинг ақл-идроки ва амалий фаолияти заминида шаклланган меҳнат малакалари ва кўникмалари, билим ва тажрибалари, қобилият ва истеъдодларида намоён бўладиган қадриятлар.
4. Одамлар ўртасидаги жамоатчилик, ҳамкорлик, ҳайрихоҳлик, ҳамжиҳатликка асосланган муносабатларда намоён бўладиган қадриятлар.

### **Мустақиллик йилларида миллий қадриятларнинг тикланиши**

Мустақиллик йилларида анъаналарга айланиб бораётган байрамлар ҳам мавжуд:

1 январь - Янги йил.

8 март - Халқаро хотин - қизлар куни.

21 март - Наврўз байрами.

9 май - Хотира ва қадрлаш куни.

31 август - Қатағон қурбонлари шаҳидлари куни.

1 сентябрь - Мустақиллик куни.

1 октябрь - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни.

8 декабрь - Конституция куни.

«Рамазон ҳайит»и (ИЙД ал-фитр).

«Қурбон ҳайит»и (ИЙД ал - АДҲА).

Ўрта Осиё халқлари тарихи билан боғлиқ миллий байрамлар ҳам бор: Мустақиллик байрами, Наврўз, Меҳржон, Бойчечак, Гул сайли ва бошқаларни нишонлаш анъанага айланиб бормоқда.

### **Инсонпарвар, адолатли, демократик жамият куришда миллий ва умуминсоний қадриятлар**

Мустақиллик даврида мамлакатда демократик жамият куришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Конституциянинг ғоялари, мақсадлари, руҳи, унинг ҳар бир қоидаси БМТнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси», асрлар мобайнида илғор ва етакчи мамлакатларда шаклланган демократик қадриятлар, миллий давлатчилик, шунингдек, бир неча минг йиллардан буён авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган шарқона давлат ва жамиятни адолатли идора этиш, мамлакатни бошқаришда халқнинг ҳам бевосита иштирок этиши анъаналарини ўзида мужассамлаштирди.

Миллий мустақилликнинг дастлабки давридаёқ мамлакатда фуқаролик жамияти куриш ва унинг муҳим институтлари бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг эркин ва мустақил фаолият юритишлари учун ҳуқуқий асослар яратилди. Конституциянинг алоҳида «*Жамоат бирлашмалари*» боби республикада фуқаролик жамияти ва кўп партиявийлик тизимини қарор топтириш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий жиҳатлардан шарт-шароитлар яратди. Унга биноан жамоат бирлашмаси, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар каби тушунчаларга ҳуқуқий аниқликлар киритилади.

### **БЛУМ ТАКСОНОМИЯСИ ТОИФАЛАРИ**

| № | Тоифа (даражалар) | Талаба фаолияти |
|---|-------------------|-----------------|
|   |                   |                 |

|    |         |                                                                                                                                                                                                                    |
|----|---------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. | БИЛИШ   | Далилларни билиш ва уларни танлаш технологиясини билиш, ривожланиш қонуниятларини билиш, баҳолаш мезонларини билиш, умумий тушунча, қонун-қоидаларни билиш                                                         |
| 2. | ТУШУНИШ | Англаш, ўз сўзи билан ифодалаш, бир тил (тизим)дан бошқасига ( масалан, математик тилдан оғзакига ёки аксинча) айлантиради, формула , схема ва диаграммаларни талқин қила олади.                                   |
| 3. | ҚЎЛЛАШ  | Билимларни амалиётда қўллаш (масала ёки мисол ечиш, меҳнат операцияларини бажариш, вазиятларни ҳал қилиш, қонун-қоидалардан фойдаланиш).                                                                           |
| 4. | ТАҲЛИЛ  | Бир бутун тушунча, қонун-қоидаларни қисмларга ажратиш, улар орасидаги ўзаро боғлиқликни ва муносабатларни ўрнатиш, яхлитликни ташкил этувчи тамойилларни аниқлаш.                                                  |
| 5. | СИНТЕЗ  | Янги таркиб ҳосил қилиш мақсадида берилган қисмларни умумлаштириш, иншо режасини тузиш, берилганларга асосланиб яхлит киёфани яратиш. Берилган меҳнат операцияларига асосланиб яхлит технологик жараёни лойихалаш. |
| 6. | БАҲОЛАШ | Муносабат билдириш, хулоса ясаш; муайян мезонларга асосан э ёки бу фаолият қонун-қоида, тушунчаларнинг аҳамиятини баҳолаш                                                                                          |

## 7-Илова

### ФСМУ технологияси

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўратади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

## Жадвални тўлдириш

### Жадвални тўлдириш

#### 1-гурӯх

| Савол                                                | Миллий қадриятлар ҳақида нималарни биласиз? |
|------------------------------------------------------|---------------------------------------------|
| (Ф) Фикрингизни баён этиш                            |                                             |
| (С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатиш                 |                                             |
| (М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтириш |                                             |
| (У) Фикрингизни умумлашти-риш                        |                                             |

#### 2-гурӯх

| Савол                                                | Умуминсоний қадриятлар ҳақида нималарни биласиз? |
|------------------------------------------------------|--------------------------------------------------|
| (Ф) Фикрингизни баён этиш                            |                                                  |
| (С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатиш                 |                                                  |
| (М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтириш |                                                  |
| (У) Фикрингизни умумлашти-риш                        |                                                  |

#### 10-илова

Инсерт жадвалининг тузилиши ва уни тўлдириш қоидаси билан танишадилар.

**Инсерт** жадвали:

- маълумотларни системалаштиришни (муваққат ўқиш, маълумот эшитиш жараёнида олинган), уни тасдиқлаш, аниқлаштириш ёки рад этиш; қабул қилинаётган маълумотнинг тушунарлилигини назорат қилиш, аввал эгаланган маълумотни

Ўқиш жараёнида олинган маълумотларни индивидуал ҳолда системалаштирадилар;

Матнда қўйилган белгилар асосида жадвал устунларини тўлдирадилар:

V - .... ҳақидаги билимларимга жавоб беради;

«-» - .... ҳақидаги билимларимга қарама-

Инсерт жадвали

| V | + | - | ? |
|---|---|---|---|
|   |   |   |   |

## Хулоса

Миллий қадриятлар баъзилари ўтмиш мустабид тузум шароитида тазйиқ ва таҳқирга учраган, уларга «эскилик сарқити», «ўтмишнинг қодиғи» деган тамғалар босилган эди. Хатто, болани бешикка белаш, исириқ тутатиш, махси-кавуш кийиш, оёқни сандалда иссиқ тутиш каби беғубор одатлар ҳам шу таҳқирдан четда қолмаган.

Мустамлакачилик сиёсати сохта қадриятлар, бегона тамийилларни зўрлаб киритишга уринди. Халқимизнинг руҳи ва табиатига зид бўлган - ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик, беҳаёлик ва андишасизлик иллатлари илдиз ота бошлаган эди. Миллий маънавий қадриятларни ҳимоя қилиш миллатчилик деб баҳоланди.

Ўзбекистон мустақиллиги маънавий қадриятларни юксалтириш учун мустаҳкам пойдевор яратди. Миллий истиқлол ғояси бу қадриятларни тиклашни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Президент Ислам Каримов «Ота-боболаримиздан қолган эзгу удумга мувофиқ, кексаларга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатишдек ноёб инсоний қадриятларни янги мазмун ва амалий ишлар билан бойитиш ва мустаҳкамлаш зурур», деб таъкидлаган эди. Шу боисдан ҳам «Анъанавий қадриятлар»ни йўқ қилиб тараққиётга эришиш мумкин деган ғоя хавфлидир.

«Нур борки - соя бор» деганларидек, ўз фарзандлик ёки ота-оналик бурчларини унутётган, муқаддас миллий қадриятларимизни оёқ ости қилаётган айрим кимсалар баъзан учраб турибди. Ўзларини дунёга келтирган оталари ё волидаларини «Қариялар уйи»га жойлайдиган, фарзандларини

«тирик етим» қилиб, «Меҳрибонлик уйи»га ташлаб кетадиган кимсалар нафақат миллий ор-номус, оддий инсоф ва виждон, умуман, одамгарчилик йўқлиги миллий кадриятларимизга зид бўлган ачинарли ҳол.

Президентимиз маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган муҳим ҳаётий омил – **таълим-тарбия тизимига алоҳида эътибор қаратиб**, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараёни таҳлил қилади. У узок йиллар мобайнида бу соҳада талай муаммолар йиғилиб қолганини, ўзи шахсан ушбу дастур лойиҳаси устида саккиз ой мобайнида ишлаш жараёнида бунга амин бўлганини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам бу ўта оғир ва масъулиятли, аммо ҳал қилишни асло пайсалга солиб бўлмайдиган ишни қадам-бақадам, изчиллик билан бажариш учун астойдил иш олиб борилганини таъкидлайди.

“Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлгани, бу табаррук заминда азал-азалдан маданий ва маънавий илдизлари теран, юксак интеллектуал салоҳиятга эга халқ яшаб келгани, не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, дунёвий ва диний илмларнинг умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетгани, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани кўрсатиб берилган.

Шунингдек, аجدодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиз экани ғурур билан таъкидланади.

Бугунги кунда ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш замон талаби бўлиб колмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлагандек, "Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваломбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир".

Бунинг учун эса таълим тизимининг барча бўғинларида халқимизнинг азалий анъналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат, инсонпарварлик, иймон, эътиқод, меҳнатсеварлик туйғуларини ҳар бир ёш онгига сингдириш талаб этилади.

Талаба ёшлар онгига мазкур юксак ахлоқий маънавий қадриятларни сингдириш самарадорлигини таъминлаш учун эса маънавий маданият муаммосини нафақат фалсафий балки, педагогик муаммо сифатида тадқиқ этиб, унинг қирралари (ақлий, ахлоқий, эстетик, сиёсий, диний, экологик, иқтисодий, ҳуқуқий маданият), таъсир манбалари (фан, адабиёт, санъат, дин, халқ педагогикаси) асосида талабаларнинг маънавий тарбиясини шакллантиришнинг педагогик асосларини ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Ҳар қандай методология мазмун ва моҳият жиҳатидан маълум бир халқнинг, миллатнинг, элатнинг тарихий, маданий, диний, ҳудудий бой меросининг асл негизини ёритишга, ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзининг маънавий диалектикасини билиш йўллари аниқ белгилаб беришга, улкан муаммоларни ҳал қилишда замонавий ва илғор ғояларини кўра билишга хизмат қилади. Шу боисдан Шарқ тафаккури тараққиёти маҳсуллари: халқ педагогикаси ва ёзма маънавий мерос, диний манбалар, Шарқ алломалари ижодида олға сурилган комил инсон ғояси, маънавият муаммолари ўз аксини топган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Президентимиз И.А.Каримов-

нинг қатор асарлари ва кейинги йилларда маориф соҳасида қабул қилинган бошқа расмий ҳужжатлар, Олий Мажлис сессиялари материаллари - маънавий тарбия тизимининг педагогик асосларини ишлаб чиқишда методология бўлиб хизмат қилади.

Халқ педагогикаси ўзининг серқирра тармоқлари, халқ оғзики ижоди, халқ амалий санъати, халқ театри, халқ муסיқаси ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнида пайдо бўлган, ривожланган кадрият даражасига кўтарилган анъаналар, урф-одатлар, удумлар, халқ амалий фаолиятидаги илғор тажрибалар ёш авлодни ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб етишишида муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Халқ ичида кенг тарқалган халқ оғзаки ижоди намуналари (асотир, афсона, ривоят, қўшиқ, эртак, достон, мақол, латифа, лоф, халқ драммаси, аския) халқнинг турумуш тарзи, миллий ахлоқ-одоб мезонлари таълим-тарбия усуллари тамойилларини ўзида мужассам этган бўлиб, ҳар бири ўз умумий ва хусусий характериға кўра талабаларни ақлий теранлик, мантиқий фикрлашға ўргатади. Уларда олға сурилган илғор ғояларни амалиётға тадбиқ этиш ўз навбатида маънавий баркамолликка эришишни таъминлайди.

Умуминсоний ва миллий кадриятлар асосида уюштирилган "Наврўз", "Меҳржон", "Гул байрами", "Қушлар байрами", "Ҳосил байрами", "Мустақиллик байрами", Ҳайит байрамлари, "Ўзбек халқи анъаналари", "Санъатшунослик", "Марказий Осиё тарихи", "Адабий ёдгорликлар билан танишиш", "Маънавий меросни ўрганамиз", "Улкашунослик тўғараклари", "Маънавий меросға ихлос", маънавий тарбия муаммолари юзасидан мунозара, маданий-маънавий экскурсиялар, таниқли кишилар билан учрашувлар, адабий конференциялар, бадий кечалар ва бошқа синфдан ташқари тарбиявий тадбирлар таълим муассасалари талабаларининг маънавий тарбиясини шакллантиришға бевосита хизмат қилади.

Дарсдан ташқари маънавий маърифий ишлар жараёнида талаба-талабаларни миллий ва умуминсоний кадриятларни уйғунлаштириш асосида тарбиялаш борасида қуйидаги ишларни амалга оширишни тавсия этамиз:

- кадриятлар моҳиятини чуқур ўрганиш ва бу ҳақда илмий рисоалар чоп этиш;

- миллий маданият ва кадриятларнинг тикланишини оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот қилиш;

- миллий ва умуминсоний кадриятларни уйғунлаштириш асосида талаба-талабаларни тарбиялаш масаласини алоҳида мавзу шаклида миллий ғоя фанига киритиш;

- дарсдан ташқари ишларда, яъни турли хил тадбирларда талаба-талабаларни тарбиялашнинг мезонларини ишлаб чиқиш;

- тарбиялаш самарадорлигини ошириш учун уни ҳаёт билан боғлаб ўтказиш ва амалий томонига асосий эътиборни қаратиш;

- талаба (талаба)ларни дарсдан ташқари маънавий-маърифий тадбирлар воситасида миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашнинг назарий ва экспериментал-методик асосларини янада кенгроқ тадқиқ этиш;

- педагог кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасалари ўқув режаларида талаба-талабаларни миллий ва умуминсоний кадриятларни уйғунлаштириш асосида тарбиялашда педагогик маҳорат ва унинг асосий тамойилларини ўргатишга кенгроқ жой ажратиш; 8. Ёшлар психологик ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг миллий маънавий тарбиясига оид халқимизнинг, миллий қаҳрамонларимизнинг миллий мероси ва тажрибаси, урф-одатлар, анъаналар ва миллий кадриятлар акс этган бадиий ижод намуналарини яратиш. Шунингдек, дарсдан ташқари ўқув-маърифий

тадбирлар жараёнида талаба (талаба)ларни миллий ва умуминсоний кадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашда ҳар бир ишда катталарнинг шахсий намунаси, панд-насиҳат қилиш, суҳбат ўтказиш каби усуллардан фойдаланиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Миллий кадриятлар ва урф-одатларнинг тарбиявий имкониятларидан дарсда ва дарсдан ташқари ўқув-тарбиявий тадбирлар жараёнида (турли шаклларида) самарали фойдаланиш, талаба дарс жараёнида ўзлаштирган маънавий тарбиясининг ажойиб мезонларини мазмун ва моҳият жиҳатдан пухта мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент “Адолат” 2008.-40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури". Т. 1997 йил.
3. Каримов И.А. "Биздан озод ва обод Ватан қолсин" - Т.: Ўзбекистон 1994.-301 б.
4. Каримов И.А. "Истиқлол ва маънавият" - Т.; Ўзбекистон, 1994.-160 б.
5. Каримов И.А. "Бунёдкорлик - фаровон ҳаёт асоси" - Т.: Ўзбекистон 1995.-46 б.
6. Каримов И.А. "Бунёдкорлик йўлидан" Т.; Ўзбекистон, 1996.-349 б.
7. Каримов И.А. "Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиёти пойдевори" Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессиясида сўзлаган нутқи. Т. 1997.-64 б.
8. Каримов И.А. "Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин" - "Тафаккур" журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблари - Т.; Ўзбекистон, 1998.-30 б.
9. Каримов И.А. "Тарихий хотирасиз келажак йўқ". - Т.; Шарқ, 1998.-30 б.
10. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси -Т.: Ўзбекистон, 1999.-181 б.
11. Каримов И.А. "Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир" Т.; Ўзбекистон, 2000.-40 б.
12. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент. Маънавият. 2008.-176 б.
13. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т., Ўзбекистон, 2011.
14. Ашуров А "Авесто" дан мерос маросимлар". "Мерос", 2001 й.
15. Амир Темур ўғитлари. Тошкент, "Фан" нашр., 1992.-64 б.
16. Кайковус. "Қобуснома", Т., Мерос. 1992.
17. Мустақиллик луғати. – Т.: Шарқ -1998.
18. Маврунов А. "Маънавий соғломлаштириш даври", 1994 йил.

19. "Барҳаёт миллий қадриятлар". Т - 1996 йил.
20. Иномова М. "Оилада болаларнинг маънавий ахлоқий тарбияси". Т. 1999й.
21. Мусурмонова О."Талабаларнинг маънавий маданиятини шакллантириш". - Фан,1993 йил.
22. Мусурмонова О."Юқори синф талабалари маънавий маданиятини шакллантиришнинг шакл ва методлари".Фан, 1995 .
23. Мусурмонова О. "Маънавий қадрият ва ёшлар тарбияси". - Ўқитувчи. 1996 йил.
24. Зиёмухаммедов Б. ва бошқалар. "Маънавият асослари". - Т. 2003 йил.
25. Қорабоев У. "Маданий тадбирлар". - Т. 2003 йил.
26. Эргашев Қ. "Ёшларнинг маънавий тарбияси", Маънавият, 1998 й.
27. Йўлдошева С. "Барҳаёт анъаналар", Т. 1999 йил.
28. Бегматов А."Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. Шарқ., 2000.-96 б.
29. Эркаев А. "Маънавият миллат нишони". Маънавият. 1999 й.
30. Жавлиев Т. "Анъаналар - ҳаёт сабоғи" , Т. "Ўзбекистон" , 1992 йил.
31. Туленов Ж. Ғафуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Тошкент. "Ўзбекистон", 1996.
32. Сафо Очил. "Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари". Тошкент, "Ўқитувчи" 1995.-254 б.
33. Маҳмудов Р. "Деганимни улусқа мағруб эт... "Тошкент, "Ўзбекистон", 1992.
34. Сухомлинский А. "Тарбия тўғрисида". Тошкент, "Ўқитувчи", 1975.
35. Ҳасанбоев Ж, Туропова М, Ҳасанбоева О. Маънавий-ахлоқий тарбия асослари. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 2000.-111 б.
36. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. 2006.

37. Лафасов М, Султонмурод О, Жумаев Ш. Мустақиллик ва маънавий-тарбиявий ишлар. Тошкент. Иқтисод-молия.2007 й.
38. Аъзамов Қ, Жумаев Ш. Маънавият ва маърифат иши. Услубий қўлланма. Тошкент. 2005.-130 б.
39. Қуронов М. Миллий тарбия. Тошкент. Маънавият. 2007.-238 б.
40. Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Тошкент. Иқтисод-молия. 2008.
41. Маънавий юксалиш йўлида. Тошкент. “Маънавият” 2008.-140 б.
42. Мирзаҳмедов Н, Миршарипова С. Ўқитувчи тайёрлашнинг муаммолари. Халқ таълими.1993. 4-5 сонлар.
43. Умаров Б. "Талаба ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда - экскурсия". "Халқ таълими", 2002 йи. № 4.
44. Мўминова Х. "Ёш авлодда миллий қадриятларни шакллантириш" "Халқ таълими" 2003 йил № 1.
45. Тиллаев Б. "Маънавият ва маърифат дарслари самарадорлигини ошириш", "Халқ таълими", 2003, № 3
46. Сувонов О.ва бошқалар. "Педагогик технологияларни қўллаш давр тақозоси". "Халқ таълими", 2004 йил, № 5.
47. Усмонов С. "Ўқувчиларни маънавий тарбиялашда миллий қадрият- лардан фойдаланиш". "Халқ таълими", 2004 йил, № 6.

## МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ СЎЗЛАРИ

| №  | Ўзбекча        | Русча         | Инглизча      |
|----|----------------|---------------|---------------|
| 1  | Миллат         | Нация         | Nation        |
| 2  | Миллий         | Национальный  | National      |
| 3  | Озодлик        | Свобода       | Freedom       |
| 4  | Ғоя            | Идея          | Idei          |
| 5  | Мафкура        | Идеология     | Ideology      |
| 6  | Ватан          | Родина        | Native tant   |
| 7  | Вакил          | Делегат       | Delegate      |
| 8  | Демократия     | Демократия    | Democracy     |
| 9  | Байроқ         | Флаг          | Flag          |
| 10 | Огоҳлик        | Бдительность  | Vigittance    |
| 11 | Дунёвий        | Мировой       | World         |
| 12 | Садоқат        | Преданность   | Dedication    |
| 13 | Намойиш        | Демонстрация  | Demonstration |
| 14 | Делегатлар     | Депутаты      | Deputy        |
| 15 | Мустақиллик    | Независимость | Independence  |
| 16 | Террор         | Терроризм     | Terror        |
| 17 | Қарамлик       | Зависимость   | Dependence    |
| 18 | Содик, фидокор | Преданный     | Devoted       |
| 19 | Самимий        | Искренний     | Sincere       |
| 20 | Қахрамонлик    | Героизм       | Heroism       |
| 21 | Мангу, абадий  | Вечный        | Eternal       |
| 22 | Сиёсат         | Политика      | Politics      |
| 23 | Мақсад         | Цель          | Aim           |
| 24 | Келажак        | Будущий       | Future        |
| 25 | Аждод          | Предок        | Ancestor      |

|           |                        |               |            |
|-----------|------------------------|---------------|------------|
| <b>26</b> | Авесто                 | Авесто        | Avesto     |
| <b>27</b> | Хавфсизлик             | Безопасность  | Safeti     |
| <b>28</b> | Инсонпарварлик         | Гуманизм      | Humanizm   |
| <b>29</b> | Бепарволик             | Халатность    | Negliaence |
| <b>30</b> | Буюк                   | Великий       | Great      |
| <b>31</b> | Бирдамлик              | Единство      | Unite      |
| <b>32</b> | Давлат                 | Государство   | State      |
| <b>33</b> | Ғурур                  | Гордость      | Pride      |
| <b>34</b> | Оммавий                | Публичный     | Publik     |
| <b>35</b> | Дипломатик вакил, элчи | Посол         | Envoy      |
| <b>36</b> | Ҳарбий парад           | Военный парад | Military   |
| <b>37</b> | Маънавият              | Духовность    |            |
| <b>38</b> | Қадрият                |               |            |

## ИЛОВАЛАР

1-ЧИЗМА



## 2-ЧИЗМА



## 3-ЧИЗМА



